



ЎЗБЕК ХАЛҚИ КАРИМОВ ТУЗУМИНИ АҒДАРАДИМИ?

Ўзбек ТВ, радио ва матбуотида юрт тинчлигини кўра олмайдиган, нияти ёмон, террор кайфиятидаги **"ватангадолар"**, **"юртфурушлар"** ҳақида тинимсиз ёзадилар.

Ижтимоий тармоқларда Каримов ва унинг ҳукумати ҳақида танқидий фикр ёзсангиз, ўзларининг тинч ва хотиржам яшаётганларини пеш қила кетадилар. Танқид қилувчиларни эса юрт душманлари дея ўз Ватани юзига оёқ қўйиб, тузлугига тупурганликда айблайдилар. Шу билан ўзларини қахрамон деб ҳис қилишади. Гўёки улар шу билан Ватанини ҳимоя этадилар.

Аслида бу жуда ҳам кулгили.

Чунки дунёдаги бирор миллат ёки халқ айнан ўзбек халқи каби фикрламайди. Яъни ҳукуматни танқид қилса, сенлар ватангадосанлар дея ўз миллатдошини ҳақорат этмайди. Бирор рус, инглиз ёки япон – умуман, жаҳонда интеллектуал жиҳатдан қатор ютуқларга эришган миллат вакиллари луғатида **"ватангадо"** деган сўз ишлатилмаса керак. Чунки Ватанини сотадиганлар, юртни пуллайдиганлар ошқора ҳаракат қилмайдилар. Уларни аниқ кўриб туриш имконсиз. Улар илон каби ишлайдилар. Жилмайиб туриб, силаб-сийпаб ханжар санчадилар. Халқ ва миллат ғурурини ерга урадилар.

"Ватангадо" деган айблов улкан айбловдир. Ватангадонинг

хусусиятларидан баъзилари шуки, улар тилини, динини, элини сотади. Юрт бойликларини сотади. Ватан ҳимояси зарур пайтда ўз жонини ўйлаб қочиб қолади. Ватангадода ор ва номус бўлмайди.

Юртдан ташқари чиққан одам ватангадо эмас. Оила боқаман, илм оламан дея ҳижратда юрганларни ватангадо деб ким айтса, у шубҳасиз, бўхтон қилибди. Бу бўхтон учун Аллоҳнинг ҳузурини жавоб беришлари аниқ.

Бугун ўзбек миллатига мансуб кўплаб кишилар ким хорижда бўлса, ўйлаб ўтирмасдан уни ватангадо, юртфуруш деб тухмат тошларини отмоқдалар. Бу тошлар эса ҳақорат этилган ҳақирларнинг гуноҳларини тўқмоқда, тўқилган гуноҳлар эса ҳақорат этувчиларни кўмиб бормоқда.

Юртда мен хатардан холиман дея ҳукумат кимни ёмон деса, ўшани ёмон деб атайдиган одамлар алданган кимсалардир. Биз ана шундай кишиларга деймизки:

Сиз **"ватангадо"** атамасини **(дарҳақиқат, бу сўзни Исломи Каримов ва унинг ҳукумати атама даражасига олиб чиқди!)** қўллашдан олдин бу бир исботсиз айблов эканлигини ҳисобга олинг. Қўлингизда далил йўқ. Сиз бировни **"ватангадо"** деб атайсиз. Бу айбловни қандай далиллар билан исбот этасиз?

Сиз, эҳтимол, бу ватангадо халқини сотди дерсиз.

Кимга сотди? Русларга сотдимиз? Ёки Ғарбга сотдимиз?

Сиз бу ватангадо юртга хиёнат қилди, ҳукуматга, Каримовга қарши чиқди дерсиз.

Юртга хиёнат қилиш нима дегани ўзи? Каримов ва унинг ҳукуматига қарши чиққан одам хоин бўлади деб сизга ким айтди? Каримов Худоми? Унга қарши чиққан одам хоин бўлса?!

Шу ўринда кичик лавҳа.

Каримовнинг таржимаи ҳолига назар солинса, у собиқ Совет даврида чинакам коммунист эди. У то 1991 йилга қадар, ҳатто, айнан 1991 йилнинг 31 августига қадар мустақиллик тушунчасига қарши бўлган. У мустақилликка қадар

бўлган вақт оралиғида бирор асар ёзиб, ҳеч йўқса, бирор жумласида халқнинг эрки ҳақида гапиргани ҳақида биласизми?

Ёки Каримов мустақилликка қадар таниқли арбоб сифатида халқ олдида чиқиб соф ўзбек тилида гапиргани, улкан муаммоларни кўтариб, ҳал этгани ҳақида эшитганмисиз?

Ёки Каримов мустақилликка қадар озодлик мақсадини ўзида мужассам этган бирор ташкилот ёки ҳаракатга асос солганми?

Албатта, бунинг битта жавоби бор: **ЙУҚ.**

У фақат ўз ҳаёти учун масъул бўлган мансабпараст бир шахс. Энди у қандай қилиб мустақиллик асосчиси бўлиб қолгани, албатта, қизиқ. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Бу ҳақда кўпчилик тўхталган, ҳусусан, **Муҳаммад Солиҳнинг "Йўлнома" асарида** қатор ишончли маълумотлар бор.

Аммо Каримовдан фарқли ўлароқ миллат озодлиги, халқ эрки учун курашган мард ўғлонлар собиқ Совет тузуми қутурган даврда ҳам бўлган. Улар гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора Ватан озодлиги учун курашганлар. Ўз жонларини хатарга қўйганлар. Ўз ниятларини турли рамз ва истиоралар орқали баён қилганлар. Бу рамз ва истиораларни эса сотқинлар ўша пайтда Совет ҳукуматига бориб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сотишган. Ана шуларни хоин деб атаса бўлади. Кейинчалик, озодлик ҳақида ошкора курашиш имкони берилганда ҳам унга қарши чиққан одамлар бўлган. Уларнинг бошида Ислом Каримов турар эди. Ана шу одамларни бемалол хоин деб аташ мумкин. Демак, биз хорижга чиқиб кетган, Каримов ҳукумати танқид қиладиган одамларга берган раддиямизнинг биринчи қисми ҳозирча шу.

Энди масаланинг иккинчи қисмига ўтамиз. Ҳозир Каримов ва унинг одамлари уларни танқид қилувчиларга мана бундай жавоб беришни ўрганиб олишган: “Ҳар бир ишда камчилик бўлади. Сиз танқид қилар экансиз, бизга бу муаммонинг ечимини кўрсатинг! Амалий дастур тақдим қилинг”.

Бу жумла эгаларига бир-бирини тўлдирадиган икки жавобимиз бор:

1) сиз ҳукумат бошида ўтирибсиз, шу муаммоларни ҳал қилиш, юртни идора қилиш гарданингизда, нима учун муаммони ҳал қилишни биздан талаб қиласиз? Фуқароларнинг шикоятини эшитиш ва адолатли ҳукм чиқариш ҳокимнинг зиммасида-ку! Сиз бу танқидий фикрларни қабул қилиб, уларни инobatга олиш ўрнига, мана шундай гаплар билан вазиятдан чиқиб кетмоқчисиз, холос.

2) сизларга қарши фикр айтаётганлар, танқид қиладиганларнинг аксарияти ўз планларига эга. Масалан, Каримов ва унинг режимига қарши ҳаракат қиладиган, алтернатив ҳисобланган Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг Муассислар мажлиси тасдиқлаган ўз дастури, режалари мавжуд. Сизга қарши бўлган, сизни танқид қилувчилар сизларга қараганда бир эмас, икки дастур тузишга мажбур бўлишган. Биринчи дастур – сизга қарши курашиш дастури, иккинчи дастур – сизларни ҳокимиятдан ағдаргач, юртни идора қилиш ва ривожлантириш дастури. Бу дастурлар тузилган. Шу асосдан ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида эълон қилинган. Бу ушбу масаланинг бир томонидир. Иккинчи томони шуки, ўзингиз юртга сиғдирмаган, жонларига таҳдид қилиб қувиб чиқарган бу “танқидчи” муҳожирлардан, аслида, дастур талаб қилишга нима ҳаққингиз бор? Чунки сиз уларнинг юртда эркин

ҳаракат қилишлари учун изн бермадингиз-ку! Қўлингиздаги ҳарб кучига суюниб уларни ўлдирмоқчи бўлдингиз-ку! Керак бўлса, ҳозир ҳам ўз рақибларингизни жисмонан йўқ қилиш пайдасиз-ку! Алҳамдулиллаҳ, буни Аллоҳнинг ҳукми ила эплай олмаяпсиз, энди нима учун бундай мунофиқона саволлар берасиз?

Каримов ва унинг ҳукумати бошқарув системасини издан чиқариб юборган. Одамлар: **“Каримов қуйи қисмларда бўлаётган бетартиблик, порахўрлик, бошбошдоқликни билмайди”,** – дейишади ва шу билан уни оқламоқчи бўлишади. Ростдан ҳам билмас экан, демак, у қарибди. Қуввати кетибди. Ишни топширса ҳам бўлар экан дейдиган мард йўқ, албатта.

Одамлар кўзига Каримов ва унинг тузуми худди ўлмайдигандек кўринмоқда. Одамлар Каримовдан кейин нима бўлар экан деган савол қаршисида мавҳумлик ичида турибдилар. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми бу савол ҳақида ўйлашни истамайди. Чунки Ўзбекистоннинг бугунги аҳолиси фақатгина тинч ухлаб турсам бас деган ақида остида яшамоқда.

Кўчада тинч юрсам бас, қорним тўйса бас, устимда либосим бор, бас деган тушунча Ўзбекистоннинг бугунги аҳолиси онгида ҳукмрон. Уйлаб кўрилса, одамларга гўёки шу керак, холос. Агар шундай бўлса, одамнинг ҳайвондан фарқи қоладими?

Фарқи қолмайди, албатта. Чунки ҳайвоннинг табиати шу – ейди, ётади, хожатини чиқаради, яна ейди, ичади, оқибатда ё гўшт бўлади, ё ҳаром ўлади. Одамнинг одамлиги шуки, унда ҳайвондан фарқли ўлароқ идеаллар бор. Идеаллар – бу юксакликдир. Яъни фақат қоринни эмас, руҳ ҳақида ҳам фақат одам ўйлайди. Қалб ҳақида ҳам одам ўйлайди. Иймон, эътиқод ҳақида ҳам одам ўйлайди. Ҳайвонлар эса бундай тушунчаларга бегона.

Бугун Ўзбекистондаги аксар аҳоли идеаллардан ажраган, аниқроғи, ажратилган. Юксак тушунчаларини йўқотган, аниқроғи, улар йўқоттирилган. Одамлар қорин ташвиши билан яшайди. Баланд уйлар курсам, данғиллатиб тўй қилсам, кейин шон-шўхратим таралса деб яшайди. Илм олсам, илм берсам, Худонинг суюкли бандаси бўлсам деб яшайдиганлар кам. Бу йўлда курашадиганлар кам. Чунки Ўзбекистоннинг бугунги раҳбариятида бундай идеаллар йўқ. Ўзбекистонни бошқариб турган одамлар, аниқроғи, бир ҳовуч тўда

фақатгина моддий ташвишлар ичида умр совураётганлардир. Улар учун бошқаларга буйруқ бериш, ҳашаматли иморатлар қуриш, бир неча хотин, бир неча ўйнаш ҳамда бир неча бачча сақлаш муҳим. Улар учун кетмон чопаетган, китоб ёзаётган, илм олаётган, кўчада тиланчилик қиладиган кишиларнинг дунёси умуман қизик эмас.

Улар ўзларининг ҳамма кирдикорларини усталлик билан беркитадилар-да, халққа авлиё каби кўриниш пайида бўладилар. Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини жамлаб “сиёсат” деб атайдилар. Улар ўзларининг қора ҳаётларини, маишат ва бузуқликка кўмилган ҳаётларини асраб қолиш, шу ҳаёта узоқроқ яшаш учун ҳаракат қиладилар, холос.

Бу ҳаракатларнинг бошида турган одам эса Ислом Каримовдир. Ислом Каримов аросатда қолган одам. У нафсга мағлуб бўлган.

Халқ эса бу ҳақиқатларни кўрмайди. У ҳукуматдан, Каримов тузумидан гўёки рози. Аслида эса дангасалашган, ғайратини йўқотган, ҳамма нарсдан кўнгли совуган, чуқур депрессив кайфиятни бошдан кечираётган халқдир бугун ўзбек халқи.

Ўзбекистон аҳолиси бугун қорни чала-ярм тўйиб турган улкан гуруҳ кабидир. Агар қорни тўймай қолса, жанжал қилиши мумкин. Аммо қоринни тинчлик ва осонлик билан тўйдириш учун турли пасткашликлар кундан кун болалаб кетмоқда.

Одамларнинг ёдида – 2000-йиллардан бошлаб халқ орасида “машейник” деган тушунча пайдо бўлди. Чунки бошқаларнинг пулини алдаб олиб, тирикчилик қиладиган “касб” эгаларини Каримов жамияти яратди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли даражадаги ўғрилиқлар, одамларни “тушириб” кетишлар жуда ҳам кўпайган. Масалан, машинасида ёки ёнида пул олиб юрадиганлар бугун кўрқиб қолишган, чунки йўлтўсарлар бемалол тунаб кетишмоқда. Бу ишлар кечаси эмас, ҳатто кўппа-кундузи рўй бермоқда.

Фоҳишахоналар гуркираб ишляпти. Тиллачилар, долларфурушлар даврини ва айшини суриб юрибди. Ҳар куни юзлаб қотилликлар юз бермоқда. Албатта, бу ҳодисаларнинг ҳеч бири кенг жамоатчиликка маълум қилинмайди. Маълум қилинмагани ҳам майли, бу жиноятлар очилмай қолиб кетмоқда. Бир ўғрилиқ қилганлар, яна ўғрилиқ қилишмоқда. ИИБ ходимлари эса ҳар куни шубҳа уйғотувчиларни планга қараб тутиб келиш билан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

банд. Шу кетишда Республикада уюшган жинойтчилик авж олиши, қотиллик ва ўғриликлар кўпайиб кетиши мумкин. Биз, албатта, бундай бўлишини мутлақо истамаймиз, аммо ҳам маънан, ҳам моддиян қашшоқликка маҳкум қилинган халқнинг аҳволи ҳамisha шундай бўлиб келган. Одамлар кўзига кўринмаётган ва аслида ҳаётнинг энг фожиали нуқталарини ақс эттирган жинойтлардан кўпчилик беҳабар.

Бу ҳақиқатларни билмайдиган одамлар эса ижтимоий тармоқлардан, турли оммавий ахборот воситаларидан туриб хорижда Ватан ва эл, миллат ва халқ ташвишида юрганларни хоин деб аташ билан банд.

Алданганларни айблаб бўлмайди. Лекин ўз ихтиёри билан алданаётган тоифаларнинг ҳисоб-китоби бор. Ҳисоб-китобни ҳамма билан Аллоҳнинг Узи қилади.

Бугун Ўзбекистон халқи ўзини ана шундай оғир аҳволга олиб келган ва шу аҳволда ушлаб турган ҳукуматни – Ислоҳ Каримов ва унинг режимини ағдариб ташлаш учун масъул. Агар халқ бугун бу ишни қилмаса, эртага туғилажак

авлод албатта, шу ишни қилади, Худо хоҳласа. Биз ана шундай ишончдамыз.

Аммо биз шу нарсага ҳам ишонамизки, Аллоҳ истаган вақтда, яқин келажак вақт ичида бу режим қулайди. Уни Аллоҳнинг Узи қулатади.

Синовлар мукофотни ширин қилади. Жалодиддин Румий: "Нимаки сенга сеvimли бўлса, у сен учун имтиҳондир" демиш.

Биз учун озодлик, юрт эрки сеvimли. Унга етиш йўли эса мана шундай имтиҳонларга тўла.

Охириг қудратли хон – Туркистон ўлкасини деярли яхлит ҳолда бирлаштира олган ҳукмдор Абдуллахон Иккинчидан сўнг (расмий ҳукмронлик йиллари: 1588 – 1599) парчаланиб кетган бу улуг мамлакат ва унинг миллати салкам уч юз йилки, мустамлака ва мустабид қўйнида қолмоқда. Бу ҳудудда ўрта асрлардаги каби дунёни ларзага солган, жаҳон илм-фан йўналишларини ўзгартириб юборган Уйғониш рўй бермаяпти. Бунинг бош сабаби – одамлар руҳиятидаги қулликдир. Яъни одамларнинг нафсга бўлган қуллигидир. Нафсга бўлган қуллик мустабид ҳукмдорларга, хусусан, Каримов ва унинг тузумига бўлган

қуллик шаклида кўз ўнгимизда намоён.

Еттинчи-саккизинчи асрларда Марказий Осиёга кириб келган ислом дини одамлар руҳига озодликни ҳада этди. Шу озодлик меваси ўлароқ номлари барчамизга ёд бўлиб кетган улуг алломалар дунёга келдилар – Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар...

Бу озодлик бой берилгач, биз таназзулга юз тутдик. Бу таназзул бизнинг бугунги қунимизга қадар етиб келмоқда. Миллат жаҳидлар тимсолида бир уйғонди. Уйғонишга ҳаракат қилди. Энди яна уйғонишга уринмоғимиз лозим – уйғонишимиз шарт. Энди гафлат пардаларини парчалаб, кўзларимиздан уйқуни узоклатмоғимиз лозим. Бунинг учун бизга яна ҳуррият керак.

Биз ана шу ҳуррият учун интилмоқдамиз. Қалб, руҳ ва тафаккур эрки учун курашмоқдамиз.

Узоқ давом этиб келаётган бу кураш бизни, Худо хоҳласа, ғалабага олиб боради. Ана шунда миллатимиз, халқимиз чинакам инсоний ҳаётнинг юксак даражаларини, мақомларини ҳис этажак, ўз кўзлари билан кўражак.

Абдуллоҳ Нусрат

Шу йилнинг 12 декабр куни Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг расмий uzxalqharakati.com сайтига ҳужум уюштирган «Анонимус» гуруҳининг расмий сайти Туркиянинг Ойюлдуз гуруҳи томонидан бузиб, қўлга олинди.

Дунёда таниқли бўлган Турк ҳакерларидан иборат бўлган «Ойюлдуз» гуруҳи Туркияга таҳдид қилган «Анонимус»нинг веб сайтини ишдан чиқарди. Охириг йилларда "Бизга ҳужум қилманг" деганларини ва узр сўраганларини билдирган «Ойюлдуз» гуруҳи «Анонимус»нинг сайтини бузиб, огоҳлантириш қолдирди. Огоҳлантириш сўнгида эса "Боринг қумда ўйнанг" деб ёзди.

Таниқли ҳакерлар гуруҳи бўлган «Анонимус», ташкил қилингандан бери илк маротаба ўзининг anonymushackers.org расмий сайти назоратини қўлдан чиқарди. Кеча сайтга кирганлар "Ойюлдуз" гуруҳи кибер армияси томонидан хакландингиз" ёзувига дуч келдилар. Гуруҳ вакили томонидан берилган изоҳларда «Ойюлдуз» гуруҳи асосчиси 'Cedkan Bir Yafes' "Турк давлатига душманлик қилганларга бир дарс бердик" дегани айтилади. Кечаги ҳужум Анонимус томонидан ИШИДга ёрдам берди деган ёлғон айблов билан Туркияга таҳдид қилгани сабабидан амалга оширилди.

Сўзларида турмадилар
«Анонимус» ўзи ҳавола қилган

«Анонимус» ҳакерлар гуруҳи жазоланди

видеоларда сайтларининг асло ишдан чиқарилмаслигини даъво қилганини хотирлатган 'Cedkan Bir Yafes', "2010 йилда турк сайтларини мўлжалга олганлари учун уларга бир қарши ҳужум уюштирган эдик. Уша вақтда ёзма бир узур чиқариб тўхташларини айтган эдилар. Лекин ўз сўзларида турмадилар. Биз ҳам ўч олдик. Интернет оламида Туркияни ҳимоя қилишда давом этамиз. Бу кишиларга Туркиядан ёрдам қилганларга ҳам дарс бўлсин" деди.

Ушбу ҳужумларда Россиянинг қўли бор

Ўтган ҳафта Туркиянинг катта кибер ҳужум остида қолиши ортида «Анонимус»нинг тургани айтилган эди. Бироқ «Ойюлдуз» гуруҳи, ҳужумларнинг ортида Россиянинг тургани эҳтимоли жуда кучли эканлигини айтади. «Анонимус»нинг ИШИД ёлғонининг ҳам манбаси бўлган Россия, шу сабабдан «Ойюлдуз» гуруҳининг янги мўлжали бўлди. Россияда турли университетлар сайтларини бузганликларини эълон қилган 'Cedkan Bir Yafes', ҳозирда Россиянинг мудофаа ва вазирлик сайтларини бузиш мақсадида ҳаракат қилаётганликларини айтди.

«Анонимус» кимнинг хизматида
«Анонимус»нинг илк маротаба саҳнага чиқиши 2003 йилда рўй

бергани айтилади. Гуруҳ айниқса Араб баҳори намойишларига берган ёрдами ва адолатсиз даромад таъминоти дея ҳисоблаган йирик молия институтларини нишонга олиб интернетда алоҳида бир секторнинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Лекин айниқса сўнги 2 йилда тақибчилар томонидан кўпинча баҳсли сиёсий масалаларда тараф танлашда айбанди ва хавфсизлик хизматлари гуруҳларига киргани айтилди.

"20 киши 3 кун давомида ухламасдан ишладик"

«Анонимус»га қарши бироз аввал фойдаланилмаган бир усул излаганликларини айтган матбуот котиби, "Усулни фош қилмаймиз. Юқори даражали 20 аъзо 3 кун давомида ишлади. Навбат билан оз-оз ухлай олдик. Натижада сайтни қўлга киритдик" деди.

«Ойюлдуз» гуруҳи ким?

2002 йилда ташкил қилинган «Ойюлдуз» гуруҳи Туркияга уюштириладиган кибер ҳужумларга қарши ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритади. Кўнгилли аъзолардан иборат ва ўзини давлатчи-миллатчи дея таништиради. Давлат сайтларига уюштирилган ҳужумларга зудлик билан жавоб беради.

УХҲ хабарлар бўлими

Ҳолид Шишанийнинг Кавказлик мужоҳид амирлардан бирига ёзган мактуби

Аллоҳ номи билан. Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳнинг пайғамбари, мужоҳидлар амири Мухаммад Мустафога Унинг солавот ва саломлари бўлсин! Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераманки, Мухаммад Аллоҳнинг кули ва элчисидир.

Ундан кейин: Кавказлик мужоҳид биродарларга: ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва



“Ислом давлати” ҳақидаги ҳақиқатлар-1

барокатуҳ.

Салом сенга, эй биродарим.

Менинг бу хатим — сен учун насиҳат ва тушунтиришдир. Сенинг биродарларга жўнатган (аудио ёки видео) мурожаатинг омонат бўлиб менга ҳам етиб келди. Сен ухатингда “ИД” (“ИШИД”, “ИЛИД”, “Давла”, “Халифалик”)га нисбатан бўлган ўз мавқеингни тушунтиргансан ва Шомдан қайтиб борган одамлар сенга берган маълумотларга суюниб, ўз фикрларингни айтиб ўтгансан. Инша Аллоҳ, мен сенга бу маълумотлар хусусида тушунтираман ва насиҳат қиламан, негаки бир-биримизга ёрдам бериш ва бир-биримизни тўғрилаш бизнинг мажбуриятимиз. Биз биродармиз, биз мужоҳидмиз, биз бир жасадмиз ва бизнинг мақсадларимиз ҳам бирдир.

Аввало ўзимни таништирсам. Менинг исмим Холид Шишаний, мен Нохчийчоданман. Икки йилдан ошқ вақтдан буён Шомдаги жиҳоддаман. 2012 йилнинг охирида Нохчийчодан келдим. Бунга қадар мен икки йил давомида ўрмондаги мужоҳидлар сафига қўшилиш учун йўл изладим. Аммо йўл топа олмадим, албатта бу Аллоҳнинг хоҳишидир. Нима бўлганда ҳам Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Кейин биз бир қанча биродарлар билан гуруҳ туздик ва текисликда жиҳод бошлашга ҳаракат қилдик, тайёрландик. Аммо молиявий, моддий имкониятларнинг мавжуд бўлмаганлиги туфайли бундан ҳам ҳеч нарса чиқмади. Кейин мен уйда ўтиргандан кўра бошқа ерда бўлсада жиҳод қилишга имкон бўлган жойга кетишим зарурлигига қарор қилдим ва мени келгусида нима қутаётганини билмаган ҳолда Аллоҳга таваккал қилиб Шомга жўнадим.

Аввалда мен Умар “Шишаний”нинг жамоатида бўлдим. Шунингдек Сайфуллоҳ Шишаний (раҳимаҳуллоҳ) ва

Салоҳиддин Шишанийлар ҳам у вақтда Умар билан бирга эдилар. “Кавказ Иморати”нинг Шомдаги бўлими илк ташкил топган вақтда мен шу гуруҳда эдим. Кейинчалик мени Сайфуллоҳ Шишанийнинг махсус гуруҳи (“Дамашқ гуруҳи”)га ўтказишди. У вақтда Умарнинг жамоати “Катибатул-муҳожирин” деб аталарди. Кейинчалик жамоат кенгайгач, у “Жайшул-муҳожирин вал-ансор” деб номлана бошланди.

У вақтда ҳали “ИШИД” мавжуд эмас эди, Ироқдаги “ИИД” бор эди.

Мен Умар билан ярим йил бирга бўлдим.

Қачонки “ИИД” Шомда ўзининг “давлатини” эълон қилганидан кейин биз, яъни Умарнинг жамоати унга (“ИШИД”га) кирдик. У ерда мен икки ойга яқин бўлдим. Сўнгра мен Умар “Шишаний”нинг адолатсизлиги, жиноятлари ва интизомсизлиги сабаб жамоатдан чиқиб кетдим. Бундан бир оз вақт ўтиб, 2013-йилнинг ёзида Сайфуллоҳ Шишаний ўз гуруҳи билан бу жамоатдан чиқиб кетди ва мен Сайфуллоҳнинг жамоатига кирдим. Шундан буён то 2014-йилнинг охиригача мен шу жамоатда бўлдим.

2013-йилнинг охирида, Сайфуллоҳ ҳали хаётлигида, бизнинг жамоатимиз “Жабҳат ан-Нусра” (“Шомдаги Ал-Қоида”)га кирди ва шундан бери Сайфуллоҳ Шишанийнинг жамоати — Жабҳат ан-Нусранинг бўлаги саналади. Мен эса яқинда Сайфуллоҳнинг жамоатидан ва “Жабҳат ан-Нусра”дан чиқдим. “Жабҳат ан-Нусра”да мен бир йилча бўлдим. Ҳозир мен бирон жамоатга кирмаганман, лекин “Жабҳат ан-Нусра”, “Ахроруш-Шом”, “Жайшул-Муҳожирин вал-Ансор” ва бошқа жамоатлар билан ҳамкорликда ишлаяпман.

Ундан кейин. Сен бу ердаги ҳолат ҳақидаги маълумотни бу ердан ватанга қайтиб бориб сизларга

қўшилган кишиларнинг сўзларидан биласан. Мен Оламларнинг Буюк Роббиси номи билан, Ундан ўзга барҳақ илоҳ бўлмаган Зотнинг номи билан қасам ичиб айтаманки, бу одамларнинг сенга айтиб берганлари – катта ёлғон ва тухмат. Мен у одамларнинг кимлигини билмайман, лекин биламанки, уларнинг сўзлари ёлғон. Эҳтимол булар, шунга ўхшаш шаръий масалаларда илмга эга бўлмаган содда, таъсирчан, самимий биродарлардир. Шунингдек булар адолатсизликка ва ёлғон гапиришга мойил

бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол уларнинг қариндошлари, қўшнилари ёки дўстлари “Давла”да бўлган ва уларга тарафкашлик қилган ҳолда фикр юритаётган биродарлар бўлиши ҳам мумкин. Балки эҳтимол, булар, “Давла”нинг сизларни ўз томонига оғдириш учун сизларга жўнатган агентларидир. Барчага маълум ҳақиқат, “Давла” бунга ўхшаш ёлловчи-агентларни Кавказга, Яманга, Афғонистонга ва Ливияга жўнатган.

Бу уч тоифадаги кишиларнинг қайси бири бу маълумотларни сенга етказган, буни мен билмайман. Аммо мен уларни мувоҳалага чақираман, мен Аллоҳга дуо қилиб айтаманки, агар мен ёлғон гапираётган бўлсам, Аллоҳ мени шарманда қилсин ва менинг бўйнимни синдирсин, бу дунёда кечиктирмасдан қаттиқ жазо билан жазоласин. Агарда улар ёлғон гапираётган бўлсалар Аллоҳ уларни шарманда қилсин ва уларнинг бўйнимни синдирсин, бу дунёда кечиктирмасдан уларни қаттиқ жазо билан жазоласин. Амин!

Эй амир , улардан ҳам худди шу дуони қилишни талаб қил! Улар ҳам сенинг ҳузурингда айна шу дуони қилсинлар!

تَنْعَلْ لَعَجَنْفٍ لِهَتَبْتَن مَرْت
نِيْبِذَالْا كَلْعَ دَلْا

(Оли Имрон сураси, 61-оят).

Сўнгра. Сен ўз мурожаатингда, мужоҳидлар тўғрисида сенга ёлғон гапирган кишиларингдан эшитган “Жабҳат ан-Нусра”га кўйилган тўрт айбловни санаб ўтгансан. Мен бу тўрт айбловни бирма-бир кўриб чиқиб, “Жабҳат ан-Нусра”ни “ИД” билан солиштираман.

Биринчи айблов: Опа-сингилларимизни хорлаш айби СубҳанАллоҳ! “Жабҳат ан-Нусра”га қаратилган бунақанги катта тухматни мен ҳали бирон

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кимдан эшитмаган эдим. Ҳатто "Давланинг" ўзи ҳам бунга ўхшаган гапларни гапирмаган, сенинг ўртоқларинг эса гапирди. Уларнинг ҳолларига вой бўлсин! Аллоҳга қасамки, агар қайси бир жамоат ҳақиқатдан муслима опа-сингилларимизнинг биронтасига тажовуз қилса, шахсан мен ва минглаб бошқа мужоҳидлар бу ишни қилган ҳар қандай кишини, у ким бўлишидан қатъий назар, ўз қўллари билан отиб ўлдиришган бўларди.

Аллоҳга қасамки, бизнинг опа-сингилларимиз биз учун дунёдаги энг қадрли кишилардир, мен ва Шомнинг бошқа мужоҳидлари Аллоҳ учун уларни қизғанамиз. Муслима опа-сингилларимиз ўтирган кофирларнинг турмаларига ҳужум қилиб, уларни қутқарган энг биринчи ва асосий жамоат бу "Жабҳат ан-Нусра"дир. Хусусан, амир Сайфуллоҳ Шишаний Ҳалабнинг марказий турмасига ҳужум қилган вақтда шахид бўлди. Шунингдек, асадчилардан тушган асирларни опа-сингилларимизга энг кўп алмаштирган жамоат ҳам "Жабҳат ан-Нусра" эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Энди эса "ИД"га қараймиз. Улар ўз тарихи давомида шу пайтгача бирон маротаба Суриядаги турмаларга ҳужум қилишмади. Улар биронта ҳам муслима опа-сингилларимизни озод қилишгани йўқ. Яқинда улар бу борада ўзларини реклама қилишга қарор қилдилар ва асир бўлган урдунлик муртад учувчини, Урдунда, муртадлар қўлида асир бўлиб турган муслима опамизга алмаштирмоқчилигини айтишди. Улар реклама қилишгандан сўнг бу муртадни ёқиб юборишди. Бундан кейин эса яна бир оз вақт давомида, фақатгина реклама учун, алмашиш тўғрисида "музокаралар олиб боришди". Ундан кейин эса бу ифлос учувчи ёқилгани намойиш қилинган видеони интернетга чиқаришди. Бунга жавобан қасос сифатида урдун муртадлари бу муслима опамизни ва қамоқдаги бошқа биродарларимизни қатл қилдилар.

Бундан ташқари, айнан "ИД" Ҳалаб ва Дайр аз-Зур вилоятларида суриялик муслима опа-сингилларимизни "жория" сифатида оммавий асирга олишди. Кейин эса уларни Ироққа олиб чиқиб кетишди ва у ерда сотишди. Бу опа-сингилларимиз орасида Жабҳат ан-Нусра амирларидан бирининг туғишган синглиси ҳам бор эди. Бу ишлари ҳақида ИШИДчиларнинг ўзлари кўп мақтанишди. Уларнинг ичидан Жабҳат ан-Нусра ва Жайш ал-Муҳожирин вал-Ансордаги

биродарлар билан ватсап орқали доимий алоқада бўлганлари, "Сизларнинг хотинларингиз ва опа-сингилларингизни асирга олиб, чўри қилиб сотдик" деб мақтандилар. "ИД"нинг "Шаръий қозилари" бу аёлларни муртадларнинг хотинлари деб айтишди, аслида эса булар мужоҳидларнинг ва оддий муслмонларнинг хотинлари эди. Унинг устига улар орасида турмушга чиқмаган опа-сингилларимиз бўлган. Лекин уларни ҳатто муртадларнинг хотинлари деб фараз қиладиган тақдиримизда ҳам, шариат бўйича муртадларнинг тақфири уларнинг оилаларига қўлланмайди ва уларнинг оилаларини асирга олиб, жория қилиш ҳаром. Аллоҳнинг Шариатидан келиб чиқиб биз биламизки, ҳатто муртадларнинг хотинларини ҳам чўри қилиш мумкин эмас.

Аммо давладаги "шаръийлар" бу билангина чегараланмади ва уларнинг назорати остида бўлмаган барча ерлар – дорул-куфр ва уларга байъат берганлардан ташқари, бундай ерларда яшовчи аҳолининг барчаси — кофирлардир дедилар. Ҳақиқатан, бу ҳарурийлар (хаворижлар) ақидасидир. Энди эса сен опа-сингилларимизга аслида ким тажовуз қилганлигини кўраяпсан.

Яна бу ёлғончилар 2014 йилнинг январида, улар билан "Жабҳа Исломия" уртасида жанг кетаётган бир вақтда (бу жанговар ҳаракатларнинг бошланиш сабабларини мен кейинчалик айтаман), мужоҳидлар орасида ва интернетда, "Жабҳа Исломия" жамоати мужожир опа-сингилларимизни зўрлик билан ушлаб олди, айримларини эса ҳатто номусига тегди деган ёлғон хабарларни тарқатди. Биз бу хабарни эшитган вақтимизда қонимиз қайнаб кетди ва биз, Сайфуллоҳ жамоати, шунингдек "Жайш Ал-Муҳожирин вал-Ансор" ҳаммамиз биргалиқда бу маълумотнинг ҳақиқийлигини текшириш учун йўл олдик. Аввал биз бу хабарни тарқатган "Давла"даги кишиларнинг олдига бордик ва суриштирдик. Улар ҳатто бизга гўё бу опа-сингилларимиз ўтирган турмаларнинг манзилларини ҳам беришди. Эҳтимол улар бизларни бир йўла бу турмаларга ҳужум қиладиган ва бу билан бизни "Жабҳа Исломия"га қарши урушга тиқиб қўямиз деб ўйлашган бўлишса керак. Лекин биз, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, бу каби маълумотларни текширишни талаб қиладиган Шариатга мувофиқ иш тутдик. Биз улар берган манзилларни қидириб бордик ва бу турмаларни текшириб кўрдик, "Жабҳа Исломия"

мужоҳидларининг ўзлари бизларга бу турмаларни кўрсатишди ва биз опа-сингилларимиз уларда асирга бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Қачонки биз "Давла"нинг бу ҳийла тўрига илинмасдан, аксинча уни фош қилганимизда, улар "асирга бўлган ва номусига тажовуз қилингандан кейин эса қайтиб келган муслима"ни ўйлаб топишди. Шундан сўнг, биродарлар бу синглимизни излашга тушишди. Лекин улар бу "муслима"ни топа олишмади, лекин уни гўёки танийдиган ва унинг жойини биладиган бошқа бир муслимани топишди. Бу муслима "асирга тушган ва номусига тегилган муслима"нинг манзилини кўрсатиб юборганидан кейин биродарлар бу манзилга бориб ўша муслимани топишди. Лекин у муслима бу гаплардан ҳайрон бўлди ва унга ҳеч ким тегинмаганлигини айтди. Шундан сўнг биродарлар бу муслиманинг манзилини берган аёлнинг олдида қайтиб боришди. Шунда у аёл айтдики: "Демак агар унинг номусига тегишмаган бўлса, бошқасининг номусига аниқ тегишган".

Шундай қилиб, "Давла" ўзининг "муслималарнинг асир қилиниши ҳақида" айтган гапларига ҳеч қандай далил топиб бера олмади. Уларга қилинган тажовуз ҳақида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади.

"Давла" ёлғон ва иғво тарқатишлик учун мана шундай жирканч тарзда ўз аёлларини ишга солади. Буларнинг барчаси содда ёшларни ўз сафларига оғдириш, муслмонларни бошқа мужоҳидларга нисбатан қарши қўйиш ва жиҳодий гуруҳларни "Жабҳа Исломия" ва бошқа жамоатларнинг мужоҳидларига қарши уриштириш учун қилинган очик иғво бўлган.

Иккинчи айблов: Ғаниматлар "Жабҳат ан-Нусра" ўз мужоҳидларига ғаниматларни тарқатади. "Жабҳат ан-Нусра" ўз мужоҳидларига нисбатан ғаниматлар хусусида адолатсизлик қилган бирон бир ҳолатни эслолмайман. Бирок, биз Умар "Шишаний"нинг жамоатида бўлганимизда, унинг қўл остидаги амирлари, "Жабҳат ан-Нусра" улар билан ҳамкорликда амалиётларда қатнашган бошқа гуруҳ мужоҳидларига ғаниматларни тақсимлашда уларга нисбатан адолатсизлик қилганлиги ҳақида гапиришган эди. Аммо биринчидан, бу гапни айтганларнинг ўзини мен шахсан адолатсиз одамлар сифатида, айримларини эса безбет ёлғончи сифатида танийман.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Иккинчидан, айнан шу ёлғончилар, шунингдек “Жабҳат ан-Нусра” да бўлган айрим адолатсиз амирлар “ИШИД”га ўтиб кетганлигига анча вақт бўлди. “Жабҳат ан-Нусра”ни устидан ифлосликлар қуювчи бу вайсақи ва ёлғончилар бизнинг еримиздан кетганидан буён мен бирон марта ғаниматлар хусусида “Жабҳат ан-Нусра” томонидан адолатсизлик қилинганлиги ҳақида эшитмадим.

Умар “Шишаний”га келадиган бўлсақ, ўз нафарларига ғаниматларни тарқатмаган айнан унинг ўзидир. На бирон ўқ, на бирон лира (сурия пул бирлиги). Бу ҳолат шундайлигича токи бундан кейин “ИШИД”да унинг амири Абу Бакр Ал-Бағдодий унга ғаниматларни тарқатишни буюрмагунга қадар давом этган. Чунки кўпчилик мужоҳидлар бундан жуда норози бўлганлар ва бу тўғайли кўпчилик ИШИДдан кетиб қолишининг катта хавфи бор эди.

Учинчи айблов: Динга амал қилмаслик

“Жабҳат ан-Нусра” — бу Шомдаги жиҳодда машҳур бўлган биринчи энг катта салафий жамоатдир. Аввалида у “Ал-Қоида” раҳбариятининг буйруғи билан махфий тузилган бўлишига қарамасдан, аввал бошдан ал-қоиданинг бўлоғидан сув ичиши билан танилиб қолган эди. Шунга мувофиқ бу жамоатнинг асосини салафий йўналишдаги анчайин тўғри ақидага ва жиҳодий руҳга эга бўлган, ҳамда Аллоҳга, Унинг Расули ﷺ га ва Унинг йўлидаги жиҳодга муҳаббат қўйган ёшлар ташкил қилади. Шомдаги ушбу давом этаётган жиҳодда кофирларга қарши таққослаб бўлмайдиган даражадаги энг кўп истишодия амалиётлар ҳам айнан “Жабҳат ан-Нусра” мужоҳидлари томонидан амалга оширилган (Бундай амалиётларни қилиш учун инсондан жуда катта иймон талаб қилинади. Уз азиз жонини Роббисининг розилиги йўлида фидо қилиш ахир ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди). Шундай экан “Жабҳат ан-Нусра” мужоҳидларини иймони заиф ва динга унчалик мултазим эмас деб айблашлик, энг камида ақлсизликдир.

Тўртинчи айблов: Шариат ўрнатишга бўлган интилишининг йўқлиги

Биринчидан, кўпчилик ака-ука ва опа-сингилларимиз Шариат нималиги ҳақидаги тушунчага эга эмаслар. Кўпчиликнинг ўйлашича, Шариат — бу фақатгина жазоларни ижро этиш, ўғрилларнинг қўлини кесиш ва ҳоказо. Аслида эса Шариат бу — шахсий ҳаётимизда бўлгани

каби жамоавий ҳаётимизни ҳам ҳар томонлама, барча жиҳатдан қамраб олувчи тизимдир. Мисол учун, уруш ва очарчилик вақтида ўғрилларнинг қўлини кесмасликнинг ўзи ҳам Шариат ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳоқими, амири



бўлмаган фақатгина қисман назорат қилинадиган ҳудудларда ҳеч ким тўлиқ шаръий бошқарувни ўрната олмайди. Шунингдек бу ҳудуд аҳолисини ҳимоя ва хавфсизлик билан таъминлаш зарур. Бугунги кунда Шомдаги мужоҳидлар бунга таъминлашга қодир эмас. Барча кучлар кофирларга қарши жанг қилишга кетади. Шу сабаб мужоҳидларни тоқати етмайдиган иш юзасидан айблашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Шундай бўлсада, “Жабҳат ан-Нусра” ўз назорати остидаги ҳудудларда шаръий маҳкамани ўрнатди. Барча ички ва ташқи ихтилофлар шаръий маҳкамалар орқали ҳал қилинади. Шаръий маҳкамадан бош тортувчиларга қарши куч ишлатилади. Шунингдек тинч аҳолини давъат қилиш ҳам йўлга қўйилган. Болалар ва катталар учун исломий ўқув муассасалари очилган. Аҳолига моддий ёрдам кўрсатилади, озик-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Шунингдек “Жабҳат ан-Нусра” назорати остидаги ҳудудларда ўранмаган аёлларнинг ўзи йўқ, сотувда маст қилувчи ичимликлар йўқ, — бунинг барчаси бизга маълум, аммо бунга ёзишимнинг сабаби “ИШИД” “Жабҳат ан-Нусра”ни ақлга сиғмас ишларда айблади ва агар улар сенга “Жабҳат ан-Нусра” назорати остидаги ҳудудларда наркотик моддалар, маст қилувчи ичимликлар сотилади, ҳар жойда мусиқа янграйди, аёллар ярим яланғоч ҳолда юришади ва фоҳишахоналар очилган деган ёлғон гапларни айтган бўлишса мен ҳайрон қолмайман.

Ҳақиқатда эса “Жабҳат ан-Нусра” шаръий бошқарувни ўрнатишга интилмоқда ва бунда қўлидан келганча саъй-ҳаракатларини аямаяпти. Аммо бир қишлоқда куфр қўшини жойлашган бўлса ва у ерда опа-сингилларимизга тажовуз қилаётган бир вақтнинг ўзида биз ёнидаги иккинчи қишлоқда исломий давлат қура олмаймиз. Биз айнан мана шу шаръий мажбуриятимиз сабабли ўзимизда бўлган боримизни қолдириб Жиҳодга чиқдик.

Энди эса мен умид қиламанки, сен “ИД” тарафдорларига уларнинг

кўпинча сенга берадиган: “Жабҳат ан-Нусра” Шариат ўрнатган биргина қишлоқни бўлса ҳам бизга кўрсата оласми?” деб берадиган бемаъни саволига жавоб топа оласан. Фараз қилгин, агар сизларга, Кавказдаги мужоҳидларга: “Сиз шариат ўрнатган ҳеч бўлмаганда бир қишлоқни бизга кўрсатинг!” дейилса, бу энг катта бемаънилик ва инсофсизлик бўлмайдими ахир?! Мен нима демоқчилигимни тушунгансан деб ўйлайман.

Энди эса, “ИД” ўзининг ҳудудларида қанақа шариат ўрнатганлиги ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

“Давла”нинг “Шариати” ҳеч бир ҳолатда “Давла”нинг ўзига ва унинг аъзоларига нисбатан амал қилмайди. “Давла”даги кўпчилик “мужоҳид”лар ўзларининг бўш вақтларини муслималар билан интернетда гаплашиш билан ўтказади. Бир-бирларига хат ёзишади, скайпдан гаплашишади, бир-бирларига суратларини юборишади — бу эса катта гуноҳ. “Халифалик лашкарлари” бу енгилтак саводсиз муслималар билан қиладиган ўз мулоқотларида, уларни ўйларидан қочишга, бу “шерлар”га эрга тегишлик учун маҳрамсиз сафарга чиқишга чақирадилар. Бунинг барчаси ҳаромдир.

Опа-сингилларимиз эса ўз эрларини ва яқинларини такфир қилиб, бу одамларнинг олдига қочиб кетишмоқда. Шу тариқа бу опа-сингилларимиз оммавий тарзда валийсиз “эрга тегишяпти”, яъни ҳақиқатда эса зино қилишяпти, негаки валийсиз бўлган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди. “Давланинг” “шаръий қозилари” ҳам барча муслималарни айнан мана шундай қилишга, яъни уларнинг “халифалигига” “ҳижрат қилишга” чақиради.

Яна “Давланинг” “шариати” уларга муслмонларнинг мулкини ўғирлашга рухсат беради. Мужоҳидлар жамоатидан “ИД”га қочиб ўтган кўпчилик одамлар, бу жамоатларнинг байтул-молларидан қурол ва бошқа мулкларни ўзлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билан ўғирлаб кетишган. Бироқ "ИД" уларнинг қўлларини чопмади.

Шунингдек "ИД" назорат қиладиган ҳудудда туркларга тегишли мақбара бор эди, у ерда ширк ишлари қилинган. Бу мақбара Туркиянинг муртад қўшини томонидан қўриқланган. Бунинг барчаси "Давла"нинг ҳудудида, уларнинг марказий вилояти Раққада эди. Туркиянинг қўшинлари чегарадан то мақбарага қадар бўлган бу ҳудудда эркин ҳаракат қилиб юришган. (Ҳозирги вақтда бу мақбара турклар томонидан кўчириб олиб кетилган, чунки курд кофирлари "Давла"дан юзлаб қишлоқларни жанг билан тортиб олиб, бу ҳудудга яқинлашган ва бу ерлар ҳозирда жанговар ҳаракатлар ҳудуди.) Шундай қилиб, "Давла" ўзининг "халифалик" ҳудудида бу ширкка кўз юмган. "Давла" бу ширк мақбарасини бузишни инкор қилганлиги учун "Давла"даги ягона нисбатан илмли бўлган киши Абу Умар ал-Қувайтий уларни такфир қилди ва шу сабаб Давла томонидан қатл қилиниб, ғарб махсус хизматларига жосусликда айбланди.

"Давла"нинг "Шариати" уларга асадчилар билан ҳамкорликда "Жабҳат ан-Нусра"га ва бошқа мужоҳидлар гуруҳларига қарши амалиётлар қилишга рухсат беради. Бундай амалиётлар Дайр аз-Зурда, ал-Бабда, Шайх Нажар минтақасида ва бир неча кун аввал Марада амалга оширилди. Мужоҳидларнинг назоратида бўлган у ерлар аввалда асадчилар авиацияси томонидан бомбардимон қилинди, кейин эса у ерларга Умар "Шишаний"нинг жангчилари ҳужумга киришди. Булар мен билганларим ҳолос. "Давла" нафарларининг ўзлари асадчилар билан ҳамкорликда бизларга қарши амалиёт қилишларини тасдиқлашди, улар яна бу билан ғурурланишади ҳам. Улар буни қўйидагича изоҳлайдилар: биз гўёки муртадлар эканмиз (аузубиллаҳ) ва биринчи навбатда муртадларга қарши жанг қилиш керак эмиш, асадчи-мушриклар билан эса улар кейин ҳисоб қилишар экан.

"Давла"нинг "Шариати" уларга, уларга байъат бермаган ва на уларнинг давлатини, ундан ташқари на уларнинг "халифалигини" тан олмаган барча мужоҳидларнинг устидан такфир чиқаришга рухсат беради. Уларнинг "Шариати" уларга, ўн йиллардан буён Аллоҳ йўлида меҳнат қилаётган жиҳодий олимларни очиқча қоралашга, сўқишга ва устига ифлосликлар ёғдиришга рухсат беради. Улар яна ўзларининг расмий ахборот

воситаларида Абу Муҳаммад Ал-Мақдисий ва Абу Қатода Ал-Фаластиний сингари жиҳодий олимларни тоғулларнинг жарчилари деб айтмоқдалар.

"Давла"нинг "Шариати" уларга асирдаги мужоҳиднинг намоз ўқишини таъқиқлашга рухсат беради. Яна асирликдаги мужоҳидларнинг бошларини чопишга ҳам рухсат беради.

Эй менинг биродарим, уларнинг қандай "шариат" ўрнатаётганини тушуниш учун мен уларнинг "шариати"дан мисоллар келтиришни давом эттиришим мумкин, аммо менинг ўйлашимча шунинг ўзи етарли. Аммо ҳақиқатнинг мағзини айтадиган бўлсак, улар аслида шариат нималигини билмайдилар ҳам. Шайх Абу Муҳаммад Ал-Мақдисий уларнинг бу ҳолатидан ажабланиб шундай деган эдилар: Улар – ҳатто ўзлари шариатнинг алифбосини билмай туриб, шариатни қандай қилиб ўрнатишмоқчи?!

Энди эса мужоҳидларнинг "ИШИД"га қарши бошлаган жанговар ҳаракатларининг сабабларини айтиб бераман.

Бу урушни "ИШИД"нинг ўзи кўзғади. Аниқроғи, "ИШИД" уни бошлади, аммо уруш аввалида бир томонлама эди ва кенг қамров эмас эди.

Аввал улар шаръий талабларнинг биронтасига амал қилмаган ҳолда Шомда "давлат" эълон қилишди.

Эслатиб ўтаман, Шариат бўйича бирон бир ҳудудда давлат/иморат эълон қилиш учун мазкур ҳудуднинг барча ёки нуфузли кишилари шўрога чақирилиши лозим. Булар асосан амирлар ва олимлардир. Кейин эса бу кенгаш амирни сайлайди ва бу давлатни эълон қилади. Бу — лозим бўлган шаръий талабларнинг биттаси ва у бажарилмаса давлат қонуний саналмайди. Худди намоз сингарик, унинг талаблари риюя қилинмас экан ҳақиқий саналмайди.

Шунга мувофиқ "ИШИД" шариат бўйича аввал бошиданок ноқонуний ташкилот ҳисобланади.

Кейин улар ўзларининг амири Айман Аз-Завоҳирийга бўйин товлаб, "Ал-Қоида"нинг итоатидан чиқдилар ва қолган барча мужоҳидларни ўзларига эргашишликка чақирдилар ва шу вақтда фитна борган сари кучая бошлади. Улар ўз жангчиларига "уларнинг "давлатидан" ташқари, Шомдаги барча жамоатлар ҳақиқий эмас ва бу жамоатларнинг барча моллари "давлага" тегишли деб эълон қилдилар. Улар "Жабҳат ан-Нусра"га тегишли бўлган

мақорларга ҳужум қилиб, уларни талон-тарож қилишни бошладилар. "Жабҳат ан-Нусра"нинг раҳбарияти Айман Аз-Завоҳирийдан бўладиган буйруқни кутганлиги сабаб бу зулмга бирданига жавоб қилмади. Шунингдек "ИШИД" томонидан қилинадиган талончиликка мужоҳидларнинг бошқа кўпгина жамоатлари ҳам дучор бўлишди. Лекин қанчалик ажиб кўринмасин, бу зулмларга етарли жавоб берилмади. Шундан сўнг "Давла" ҳар хил жиҳодий гуруҳ амирларини ўғирлаб кетиб, ҳеч бир айбисиз қатл қила бошлади. Қачон жабрланган жамоатлар шаръий қазоватни талаб қилганларида "Давла" ҳар доим мағрурлик билан рад жавобини бериб келди.

Шунингдек, "Жабҳат ан-Нусра"нинг жанг ва рибот майдонларига кетаётган карвонлари ва тинч аҳолига ёрдам бериш учун озик-овқат маҳсулотлари олиб кетаётган карвонлари "Давла"нинг ҳужум ва талончиликларига кўп маротаба дучор бўлди.

Шу ҳам камлик қилгандай, "Давла" бир неча маротаба бошқа гуруҳ мужоҳидларининг амирлари билан муайян жойларда учрашишга келишишди ва бу учрашувларда гўёки "фидоий" амалиётлар қилиб, амирларни ва оддий мужоҳидларнинг кўпчилигини қатл қилди. Мана шундай қилиб "Давла" — мужоҳидларга қарши қўштирноқ ичидаги фидоийлик амалиётлари қиладиган Шомдаги ягона ташкилот.

Аммо Шомнинг мужоҳидларига ва оддий мусулмонларига қарши "Давла"нинг қилган бу ва бошқа кўп сонли оғир жиноятларига қарамасдан, жиноятлар жавобсиз қолаверди ва мужоҳидлар "Давла" жангчиларини ўзларининг биродарлари деб ҳисоблаб, уларнинг қонини тўкишни хоҳламаганлигидан сабр қилиб келдилар.

Аммо "Давла" янада сурбетлик ва ўз ишидан мамнунлик билан Шомдаги мужоҳидларнинг ишларига ҳалақит бериш ва бузишни давом эттирди.

Ниҳоят, мужоҳидлар ва "ИШИД" ўртасидаги жанговар ҳаракатлар "Жабҳат ан-Нусра" ва бошқа гуруҳлар мужоҳидлари назорати остида бўлган Атариб шаҳри ва "46-ҳарбий қисм" ҳудудидан бошланди.

Воқеалар авж олишидан бир неча кун аввал "Давла"нинг киллерлари бошқа гуруҳлардан бирининг амирини ўғирлаб кетди, кейинчалик унинг қатл қилинган жасади ўша минтақадаги йўл четидан топилди. Кейин улар яна

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Қадим турк боболар қурган, минг
– минг асрларни мардона кечиб
келаётган кент – Самарқандда бир
кун бўлди. Муқаддас жойларни
зиёрат этдик. Юртолар Темур ҳокон
қабри қошида сукут сақладик.
Миямда унинг сўзи бонг урди:

“ Бизки, Малики Турон,
Амири Туркистонмиз.

Бизки, миллатларнинг энг

Буюги, энг қадими

Туркнинг бош бўғумиз!

Хаёлан Темур ҳоконга мурожаат
этаман:

-Қани Турон?

Қани Туркистон?

Ҳокон жим.

Осмон жим.

Ғойибдан элас – элас овоз келади:

Сўйишди,

Бўлишди,

Ейишди:

Эли қолиб,

Юрти қолиб

Ўз шухрат – шонлари йўлида қон
тўққанлар-

Ўз ўғлонлар,

Нафси ўпқонлар,

Ичи бўҳтонлар...

Сўйишди,

Бўлишди,

Ейишди:

Қони ётлар,

Тили ётлар,

Дини ётлар...

Темур ҳокон руҳи сўзлайди:

Бундан кўра:

Қабримни бузишса,

Бошимни узишса,

Кўзимни ўйишса,

Этимни ейишса бўлмасмиди?

Тирик қоларди:

Турон,

Туркистон!..

Темур ҳокон руҳи ғойиб бўлади.

Хаёлим чекинади,

Муҳаммад Солих билан Ҳамид
Исмоилга қарайман. Назаримда
уларнинг бошларидан ҳам шу сўзлар
кечаётгандай. Кўзларига Темур
ҳокон руҳи кўринаётгандай эди.
Французларга қарайман. Назаримда
Оврўпага озодлик берган Темур
ҳокон мазорига тобинишаётгандай
эди.

Ҳенре Делуи таъсирланди. Бу
ҳол тилига қалқди:

**‘Бўу – эски туркчасига энг доно
дегани.**

— Ер юзига ҳукмрон бўлган чин
дохий бир қулоч қора тош остида
ётибди. Абадият қуршовида. Оддий
одам каби. Қандоқ адолатсизлик!..
Энди у тузган, тенгсиз империя

парча – парча бўлиб кетган. Ўзи
озодлик берган давлатга эса қарам.

Қандоқ адолатсизлик!..

Жеан – Пиерре Балпе ҳам ғамгин
сасда ўз фикрини айтди:

— Аср бошларида Француз
адиби Брион Марсел “ Буюк
Темур “ отли китоб битган.
Улкан жилдли. Кенг камровда
ёзилган. Шунга қарамасдан унда
қудратлардан қудратли Темурнинг
бекиёс мақбараси тасвирланмаган.
Самарқанд тарихи ҳам, жўғрофик

**Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-29**

ҳолати ҳам хира.

— Шунга ҳам шукур, — деди
Ҳамид Исмоил, — ҳали мен Темур
ҳокон тўғрисида аниқ хужжатлар
асосида бундай холис битилган
асарни ўқимаганман.

— Мен ҳам, — қўшилди
Муҳаммад Солих, — Марселга
рахмат! Уни етиштирган Француз
халқига раҳмат! Бизда номи
қораланаётган дохийни улуглаган
инсон – Марселга келажакда
Самарқанд, Тошкент шаҳарлари
марказларида ҳайкал ўрнатамиз.

Французлар севиндилар.

Оврўпа астрономларига,
жумладан, Галилей, Коперник,
Кеплер, Браге каби олимларга
осмон йўлини очган даҳо – Улуғбек
қабри олдида ҳам ичимизда қуръон
ўқидик. Улуғбек мадрасаси ва
раасадхонасини азиз жойдек тавоб
қилдик.

Пахтазорлар оралаган йўллар
билан Тошкентга қайтдик.

Пахтазор оралаган...

Нега?

Французларга остонагача
экилган пахтазорларни, деҳқон,
ўқувчилар 40 дан ортиқ жазирамада
ишлаётганларини, тепаларида
аэропланлар ўлим доираларини
сепайтганларини, ярим йиқик
лойсувок уйларни кўрсатиш учун.

Эшитган бошқа,

Ўқиган бошқа,

Кўрган бошқа.

Французлар миллат бошига
тушган бу фожеани ўз кўзлари билан
кўришди. Даҳшатга тушишди.

Агарчи “ Жигули “ нинг совутги
(кондиционер) чи бўлса ҳам иссиқ
ва бутифос исидан Французларнинг
аҳволлари оғирлашди. Бир неча
ерда машинани тўхтатишимга тўғри
келди. Кўнгиллари айниётгани
учун ўхчиб-ўхчиб қусишди. Биз (
Ҳамид Исмоил, Муҳаммад Солих,
мен) уларчалик қийналмадик.
Шундай ҳолга тушсак ҳам, мен бу

сўқокдан юрганимизга ачинмадим.
французларга мутлақ ҳақиқатни
кўрсатганимдан севиндим.

Бир амаллаб Тошкентга, “
Ўзбекистон “ кўнигига етиб келдик.
Ҳамид Исмоил ва Французлар
душга тушишди. Врач чақирдим.
Французларни мед. кўрикдан
ўтказишди. Сўнг уларга уқоллар
қилишди, дорилар ичиришди. Бироз
ўзларига келишгач, Ҳенри Делуи
деди:

— Индамасаларинг, эртага
томларингга ҳам пахта
эктиришади...

Жеан – Пиерре Балпе йўлдошига
қўшимча қилди:

— “Маданий усул “ билан
сизларнинг уруғларингизни
заҳарлашапти. Ҳозир бунинг
олдини олмасаларингиз, эртага кеч
бўлади...

Мен Жеаннинг бу фикрини “ Эл
сифатида йўқ бўлиб кетасизлар “
маъносида тушундим.

Оз замон ичида Ҳенре Делуи ва
Жеан – Пиерре Балие Ўзбекистон ёш
шоирлари шеърияти антологиясини
Парижда нашр этишди. Мен юрагим
тўрида уларга хурмат туйдим.
Теран хурмат. Қалбимда шу сўзлар
туғилди:

“ – Раҳмат Ҳенре!

Раҳмат Жеан! “

Ичимда: “ Ҳамид Исмоилни
Тангри сийласин! “ дедим.

Унга кўмаклашган Муҳаммад
Солихга ҳам шуни тиладим.

Ўз – ўзидан кўз олдимда икки
шахс жонланди:

Ҳамид Исмоил,

Иномжон Усмонхўжаев.

Фикр уйғонди:

— Қайси бири элга фойдали?

Москвадан кадрлар чақирган
ва бу билан Ўзбекистонга ўрис
бўғовини янада мустаҳкамлаган
Усмонхўжаевми? Ёки мазлум эл

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

дардини ёш шоирлар шеърятини орқали ер юзига билдирган Ҳамид Исмоилми?

Ойдинларга узоқ лавозиммас. Агар Ҳамид Исмоил колхоз раиси даражасида фикрловчи, “Улуғ оға”нинг ҳар қандай, ҳатто миллатга қарши топшириғини ҳам куллик қилиб бужарувчи Усмонхўжаевнинг ўрнида ишлаганда, давлат камида Оврўпачёа ривожланиш йўлига

Муҳаммад Солиҳ ҳаммадан олдин Боғдоддан Москвага учиб келди. Ойналари Кремлга қараган менинг хонамда, бир пиёла чой устида суҳбат курдик. Мен қизикқанам – Ироқ таассуроти тўғрисида у икки оғиз сўз айтди:

Хар қадамда Саддам Ҳусайннинг суратлари... Журнал, газеталарда ҳам шу ҳол. Радио, телевидениеда ҳам...

Тангрига чиқариб юборишибтида.

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-29

тушиб оларди. Эл йўлбошчиси ўз миллати, ўз тили, ўз тарихи, ўз динини севмаса, халқ қулга, юрт чўлга айлаёнади.

Чўлга...

Қулга...

Бунингаломатикўринмаяптими?.. Хусусан:

Тожикистонда...

Қирғизистонда...

Путинга сажда қилиш – ҳалокатга олиб келади.

Даҳшатли ҳалокатга...

Шийтон нима – сароб нима...

Ер юзида ҳозирги цивилизация севгидан туғилган.

Севгисиз ҳаёт — ўлим...

Тангри Туркистон элларини манкурт бошқонлардан асрасин!

Тўғри сўзга кун йўқ

1989 йил...

СССР Ёзувчилари Уюшмаси Қурултойи (съезди) дан икки кун олдин Москвага учдим. Одил Ёқуб, Шукрулло, Рамз Бобожон... ларга “ Москва “ кўнигида жой ҳозирладим. Муҳаммад Солиҳ Ироқ сафарига эди. Унга ва Ўзбекистон республикаси вице президенти Шукрулло Мирсаидовга ҳам ярим люкс хоналарни брон килдим. Шукрулло Раҳматовични нимага ёзувчиларга аралаштираяпти деб ўйларсиз? Ўзбекистон ваколатхона (пост.пред) си олдиға элни пахта қуллигидан, Оролни ўлимдан қутқазиб бўйича Тўра Мирза бошлиқ талабалар намойишга чиқишади. Бунга унинг икки машхур курсдоши ҳам қатнашади:

Зилимхон Ёндорбиев (кейинча Чеченистон президенти бўлади), Ғойбиддин Қулаҳмедов (кейинча машхур қозоқ ёзувчиси ва давлат арбоби бўлиб етишади).

Шу намойиш сабабли Шукрулло Мирсаидов Москвага учган ва мендан жой масаласини илтимос қилган эди.

Саддам Ҳусайннинг айтгани айтган, дегани деган. Бутун миллат ёлғиз унинг сўзи билан иш тутлади.

Бошқа фикрларга ўрин йўқда.

Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Эркин сўз, эркин фикр кўмилгандай гўё. Халқ кўркувда. Мисол:

Ҳайит куни Саддам Ҳусайн Боғдодда, сўқокнинг икки ёқини тўлдирилган кишилар ўртасидан тепаси очиқ машинада ўтиб бораркан, тўйкус хайдовчига буюради:

Тўхта.

Тўхтагади.

Саддам Ҳусайн онаси етагида турган бир жажи қизчани кўлига олиб, осмонга кўтаради ва ундан сўрайди:

Мени танияпсанми, қизим?

Ҳа.

Кимман?

Жаллодсиз.

Буни сенга ким айтди?

Отам, онам...

Шу куни кечаси қизча ота – онаси билан қатл этилади.

Даҳшат!

Тўғри сўзга кун йўқ...

Тафаккур бирлиги

Москва уйлари, кўчаларида чироклар ёнди. Шунга ой, юлдузлар кўринмаса ҳам ойдин. Шукрулло Мирсаидов намойишдан хориб қайтди. Душга тушмасдан олдин менга қўярда – қўймас уч юз сўмча пул берди. Кекса ёзувчиларни меҳмон қиларсиз.

Раҳмат!

Учов (Шукрулло Мирсаид, Муҳаммад Солиҳ, мен) буфетда тамадди қилдик. Шукрулло ака ўз одатига кўра кетма – кет чекмоқда.

Бироз қамайтиришнинг иложи йўқми, Шукрулло Раҳматович, бундайда...

Ирода керак... – У Муҳаммад Солиҳнинг оғзидан гапини олди,

— ўрганган кўнгил... Аммо мен сизнинг чекишингизга қаршиман. Сизга ҳам, Мамадали.

Секин – секин суҳбатимиз қизиб борди. Шукрулло ака чарчоғини ҳам унутди. Бунга, қисман, “ Распутин “ ароғи ҳам сабабчи бўлди. У замон бузилаётгани, мамлакатни сиёсий, иқтисодий бўҳрон куршаётгани, улуғ рус шовинизми бўртаётгани, армиядан ўзбек йигитларининг тобутлари келаётгани тўғрисида сўзлади.

— Кулайди! – Муҳаммад Солиҳ мавҳум бир оҳангда гап сўқди.

— Нима?

— Бўлакланади.

— Нима?

— Қутиламиз.

— Нимадан...

— Азроилдан...

— Етди... Ишонасизми?..

— Кўриб турибман.

— Сиз – чи? – Шукрулло Мирсаид менга синчков бокди.

— Тун таркайди... Кун чиқади...

— Сизлардек фикрловчилар кўпми?

— Элсевар ёзувчилар... Элсевар ойдинлар... – Муҳаммад Солиҳ жавоб қайтарди, — ўзингиз нима дейсиз?

— Сизлар эркин одамсизлар...

— Қалб эркин бўлмаса,

Сўз эркин бўлмаса,

Фикр эркин бўлмаса қийин...

– Муҳаммад Солиҳнинг овозида кесатикдан кўра алам кучли эди. Мен гапни бурдим:

— Каримовда ҳам дард борми?

— Қандай маънода?

— Миллат дарди.

— Бор, аммо сир тутлади.

— Унинг ўрнида, Сизнинг ўрнингизда... тушунаман... Қандоқ одам деб ўйлайсиз?

— Ақлли, ғайратли.

— У Сизни ҳам мард деб мактаган эди.

— Ҳаммамиз аравани бирдек тортсак ютамиз.

— Президент атрофида демокчимисиз? – Сўради Солиҳ.

— У киши шунга истайди.

— Мақсад бир бўлса, албатта, — дедим мен.

— Мақсад – юртимизни обод қилиш, элимизни тўқ қилиш.

— Яхши ният. Лекин тафаккур эркинлигисиз бунга эришиб бўлмайди. Қалблар кишанланган. Ундан қутилиш учун тафаккур бирлиги керак. Озод инсонларгина, яъни хур фикрли инсонларгина Ватанни юксалтиришга кодирлар.

(Давоми келгуси сонда)



13 нафар милиция ходими узоқ муддатга ҳукм қилинди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қаршида 13 нафар милиция ходими пора олиш, қийноқ ва асосиз равишда ҳибсда ушлаб туриш каби 11 жиноятда айбдор деб топилиб, узоқ йиллик қамоқ муддатларига ҳукм қилинган. Озодлик радиоси мобил мухбирларининг хабар беришича, Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходимларига нисбатан суд жараёни ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган. Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходимларига нисбатан ҳукм 25 декабрь куни Қашқадарё вилоят Муборак туман суди томонидан ўқилган. Суд Қарши шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи Акмал Қултоевни 11 йилга, тезкор вакиллар Жасур Алмардонов ҳамда Жаҳонгир Назаровни 10 йилу 3 ойга, жиноят қидирув бўлимининг 5 нафар ходимини 6 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Қарши шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимининг яна 5 нафар ходими 3 йиллик ахлоқ тузатиш, милиция ходимларига турли жиноятларда қўмаклашган 2 нафар фуқаро 2,5 йилдан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган.

Суд ҳукмига асосан милиция ходимлари жазо муддатларини умумий тартибдаги колонияларда ўтайди. Озодлик радиоси мобил мухбирларининг хабар беришича, Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходимларига нисбатан суд жараёни ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган.

Жиноят иши материалларига қўра, милиция ходимлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг гувоҳлик беришга мажбурлаш, товламачилик, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, қийноқ, асосиз ҳибсда ушлаб туриш ва жиноий уюшма ташкил қилиш сингари 11 моддаси

билан айбланган.

Судланувчилардан бирининг номи сир қолишини истаган адвокати милиция ходимларининг жавобгарликка тортилиши ҳамда маҳкамага асос бўлган воқеалар хроникасини қуйидагича гапириб берди: “Шу йилнинг сентябрь ойи бошларида Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида яшовчи

фуқаро Россияда ишлаётган ўғлидан Қаршидаги банк пул ўтказмаси орқали 400 АҚШ доллари миқдорига пул олган. Банк муассасаси олдида фуқаронинг пул олганини кўрган, муқаддам 4 марта ўғирлик ва талончилик жинояти билан судланган “Ғилай” лақабли шахс уни “Умида” чойхонасида кўрқитиб, пулини тортиб олган. Фуқаронинг Қарши шаҳар ИИБга мурожаатидан сўнг жиноят қидирув бўлимининг ходимлари жиноятчини тутиб, бўлимда юзлаштириш ўтказишган. Гумондор айбини тан олганига қарамай, милиция ходимлари уни аввал уришган, сўнг орқа чиқарув тешигига дубинка тикишган”, дейди адвокат.

Адвокатнинг таъкидича, Қарши шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили, судланувчи Жасур Алмардоновдан ташқари бошқа судланувчиларнинг айби хизмат текширув натижалари, тиббий экспертиза хулосалари, жиноят жойидан олинган далилий ашёлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали тўла тасдиқланган. Гувоҳлар ҳамда жабрланувчи қийноқ ва сўроқ жараёнларида Алмардоновни кўришмаганини, унга даъвоси йўқлигини таъкидлашган, аммо суд бунга эътиборга олмаган.

“Маҳкама тўлиқ Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва прокуратуранинг назоратида олиб борилди. Билишимизча, милиция ходимларини жавобгарликка тортиш МХХнинг талаби билан амалга оширилган. Аксинча, бизнинг мамлакатда тергов жараёнидаги қийноқлар бунчалик шаффоф ўрганилмайди. Ҳатто сўроқ жараёнидаги ўлим ҳолатлари ҳам яширилади. Тем более, бу ишда жабрланувчига айланган шахснинг ўзи 4 марта судланган рецидив жиноятчидир”, дейди адвокат.

УХХ хабарлар бўлими

Ҳоким ва пул деса бурнининг учи қимирлайдиган хотинлар

Андижонда ҳоким бувамиз мактабларга директорлик қилиб енгил ҳаёт кечирадиган, лекин ўзига тўқ бойвачча, аммо шунга қарамай пул деса бурнининг учи қимирлайдиган аёлларни тайинлашга жуда уста. Лекин айтмоқчи бўлганим Андижон шаҳридаги 43-мактабни кўп йиллардан бери армани аёл Тавадова Ирина Аваковна бошқариб келар эди. Пулга ўчроқ булсада инсофи бор бўлиб, шу мактабда демократия, эркинлик ва замонавийлик белгилари мавжуд бўлиб билим ҳам яхши берилар эди. Лекин ҳоким бувамизга бу ёқмади.

Ҳамма ўқувчилар бир хил кийимда, бошларида бир хил дўппи, ўғил болалар ҳам бир хил кийимда бошларида дўппи (ҳатто қишда ҳам) кийилиши йўлга қўйилиб, 2015-2016 ўқув йилини бошларида ота-оналарга бу формалар жуда қимматга тушди.

Тавадова эса айнан бизни бош вазиримиз Мирзиёев томонидан ишдан олинди. Сабаби мактаб хожатхонаси жуда ифлос экан. Ҳоким бувамиз Андижонга ташриф буюрган бош вазиримизни негадир шу мактаб хожатхонасига бошлади.

Шу хожатхона ифлослиги учун Тавадова ишдан кетиб ўрнига юкорида айтилган шаҳар халқ таълими бўлимида ишлайдиган, билими саёз, енгил табиат лекин тагида машинаси бор Маликахоним тайинланди. Айнан шу Маликахоним тайинланган сўнг нимагадир олтинчи синф ўқувчиси (исми шарифи муаллифга маълум) бокиралигини йўқотиб синфда яққаланиб қолди. У қиз отасиз вояга етмоқда, онасининг эса қўли калтароқ, айнаи вақтда касал ҳам эди. Бунга тўла изоҳ муаллиф мақоласида берилади. Мактабни хўп хожатхонаси ифлос бўлиши мумкин. Чунки у ерда болалар кўп. (Лекин бош вазир келганда мактаб таътилда бўлиб, фақат мактаб тўраги ишлаётган эди). Ўқитувчилар малакасини ошириш институти хожатхонасига кирган одам уни ифлослигидан ва ҳидидан боши айланиб қайт қилиб, ҳушидан кетиши ҳеч гап эмас. Бироқ бош вазир у ерга кирмади. У ерда хожатхонага болалар эмас, балки зиё таркатувчилар киради. Мана сизга ўқитувчининг асл башараси. Буларнинг барчасига тўлиқ изоҳни алоҳида мақолада эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ҳозир эса сизларга мақоладан асосий жумлалар келтирилди халос. Ўзингиз хулоса чиқаринг.

Гулбахор Тўраева

Ўзбекистонда Бош Прокуратура назоратидан ташқарида тутилаётган жиноий фаолият мавжуд дейилса, эҳтимол, кўпчиликда қизиқ туйилар. Ахир, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги тамойили Ўзбекистонда ҳам амал қилади-ку.

Лекин, бу тамойилнинг муқобили ҳам бор, яъни, жиноятнинг дахлсизлиги тамойили ҳам амал қилади. Шундай жиноятлар борки, айнан Прокуратура уларнинг дахлсизлигини таъминлайди. Акахонлик жинояти ана шундай жиноятлар сирасига киради.

Президент маслаҳатчиси лавозимида бўлган Т.Иминов, ўзининг дўсти А.Фаттохоннинг жиноий қирдикорларига акахонлик қилиб, тўрт йил давомида халқнинг пулларини талон-тарож қилгани тўғрисида 2008-йилда маълумот берганман. Шундан бери Бош Прокуратура ҳаётимни остин-устин қилиб, қийин-қистовларда, таъкибу тазиқларда, ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга солиб келмоқда.

Нафақат менинг ҳаётим, балки ҳаётнинг бундай беаёв ва аччиқ тамонларини, ҳийла-ю, найранглари ҳали билмайдиган, ҳаётга беғубор ва содда кўз билан қараб, катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ёлғиз беайб ўғлимни ҳам Бош прокуратура жиноят балчиғига белаш учун кенг қўламда иш бошлаган. Улар бундай ишларни ошкора ўз қўли билан қилмайди, балки бундай жирканч ва қора ишларини пинҳона бажарадиган ҳуфия тўдасидаги одамларнинг қўллари билан қилишади. Шу тўданинг битта вакили 58 уйда яшовчи ён қўшним бундан ўзга билан тан олиб айтган А.Ақилханова 2011 йилдан бери гоҳ ўзи, гоҳида бошқа қўшнилари ҳам таъсир ўтказиб уларнинг қўли билан ҳар-ҳили тўхматларга асосланган жанжаллар уюштириб келади. “Бемаза бузоқ бутун подани булғабди” деганларидай маҳалламызга шу Анжелла кўчиб келдию, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди.

Бош прокуратуранинг одамларга тўхмат қилиб жанжаллар уюштириш бўйича “етук мутахасис”и Анжелла 10-12 йилдан бери тинч яшаб келаётган қўшнилари тўхмат асосида менга қарши кўрсатма беришига ундади ва бунга эришди ҳам.

Чап тамонимдаги 54 уйда яшовчи ён қўшним Ягишев Насим ошкора менинг кўз ўнгимда Анжелладан кўрсатмалар олиб “энди сизлар ҳаётда йўқ одамсизлар” деб бесабаб мен билан катта жанжал бошлади. Мен шу қўшним Насим мисолида кўрдим одамзоднинг бир юмалаб бошқа одам бўлиб қолишини.

Унинг ўша пайтдаги важоҳати-ю,

оғзидан чиқаётган бепарда ҳақоратларини эшитиб наҳотки бу ўша мен билган қўшним Насим бўлса деб ҳайратга тушганман, уни бундай ҳолатда кўриб таниёлмай қолганман, у бутунлай бошқа одамга айланган эди. Насимнинг ҳақоратларини диктафонга ёздириб олганман ва ДИАЛОГ тарзида Бектемир тумани ЖИБ судига, туман ИИБга ўз вақтида шикоят ариза билан бирга топширганман.

Улар зўравон ва безори Насимга қонуний чора қўллаш ўрнига аксинча менга ва ўғлимга уйдирма айбловлар тўқиб, бизга нисбатан

сўзларим билан ўзимиз тўғримизда айибсизлигимизни исботловчи баъзи далилларни келтирдим ҳалос.

Энди эса Бош прокуратуранинг “обрули” акахони бўлмиш Т.Иминов ва унинг дўсти А.Фаттохонларнинг “Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” ХК орқали Ўзпахтасаноатнинг пулларини “восита”чилик НИҚОБИ остида тўрт йил давомида ечиб олганини исботловчи далилий ҳужжатларни илова қилганман. Айнан шунга ўхшаш ҳужжатларни илгари ҳам Бош прокуратурага тақдим қилган эдим. 1997-2000 йиллар давомида

ДАХЛСИЗ ЖИНОЯТ

“маъмурий иш” очиб бизни росса икки ой давомида судма-суд судраб сарсон-саргардон қилишди.

Шуни айтишса керакда “зўрнинг кети тегирмон юргизибди деб”. Буниси ҳали холва экан, чунки улар маъмурий ишда натижага эриша олмай энди Бектемир тумани ИИБ ТБдан терговчи В.Тянь сохта далиллар асосида “жиноий иш” очди. Бунга яна ўша қўшним Насим бесабаб ўғлимни калтаклаб бошини ёриб, қизил қонига белаб, жиддий тан жароҳати етказгани бўлди. Бунинг исботловчи Республика нейрохирургия Илмий Марказининг маълумотномаси бор.

Бу ҳақда ҳам ўз вақтида 102 га қўнғироқ қилиб ёрдам сўраганман ва Бектемир ИИБга ёзма мурожаат қилганман. Натижада эса айбдор Насим чеккада қолиб, калтакланиб жиддий тан жароҳати олган ўғлимга уюштирилган сохта далилларга таяниб “жиноий иш” очилди.

Эндиликда Бош прокуратуранинг ҳимоясидаги “обрули” Т.Иминов тўғрисида интернет газеталарида бирорта хабарим чиқди дегунча, Бош прокуратура бизга нисбатан кенг қўламда ОВ бошлаб эртасигаёқ ўғлимга очилган сохта жиноий ишни ҳаракатга тушириб бизни яна терговма-тергов судрашади. Нафақат ҳуфия қароқчиси А.Ақилханова, балки Бош прокуратуранинг олдида ҳисоб берадиган бутун ИИБ тизимларини оёққа тургазиб, биз она-болага қарши ташлашади.

Милиция хохласа эшигимни тепиб, тошбўрон қилиб, хохласа деворимдан ошиб тушиб ўғлимни мажбурлаб терговга олиб кетишга ҳаракат қилиб, хохласа уйимга келган одамга эшигимни очганимда пойлаб туриб, рухсатимсиз уйимга бостириб кирадиган бўлишди.

Нима эмиш зўравон Насимдан бесабаб калтакланиб жиддий тан жароҳати олган ўғлим АИИБДОР эмиш. Катта жиноят қилибди ЖИНОЯТЧИ эмиш. Мен бу

Ўзпахтасаноатнинг пулларини бемалол талон-тарож қилиб бу иши билан “обрули” одам бўлиб юрган Т.Иминовга ва унинг ҳамтовоғи бўлмиш А.Фаттохонларга нега шу бугунгача жиноий иш очилиб жавобгарликга тортилмаган?

Нега ўғирланган бюджет пуллари давлат ғазнасига топширилмаган?

Нима Т.Иминовнинг шохи борми??? Ёки Ўзбекистон пуллари Тохиржон Иминовнинг ОНАсининг маҳрига тушганми???

1. Бош прокуратура давлатнинг пуллари Т.Иминов ва Фаттохонлар тамонидан талон-тарож қилинганлигини исботловчи далиллар асосида исботлаб берилганига қарамадан, саккиз йил давомидаги мурожаатларимни инобатга олмасдан, УФРИЛАРНИ УЗ ҲИМОЯСИГА ОЛИБ, ошкора бу жиноятга қонуний чора қўлламасликларини айтиб, ҲАРАКАТСИЗ ТУРИШИ:

2. Бош прокуратуранинг КОНСТИТУЦИЯ КИТОБИНИ ОТИБ ЮБОРИБ, бу китоб асосида иш юрита олмаслигини маълум қилиши:

3. Бош прокуратуранинг Т.Иминовга қарши ЖИНОИЙ ИШ оча олмаслигини тан олиб айтиши:

4. Бош прокуратура таркибида ҲУФИЯ ҚАРОҚЧИЛАРнинг хизматидан фойдаланишнинг мавжудлиги:

5. Бош прокуратуранинг мамлакатда илдиз отиб авж олган КОРРУПЦИЯга алоқадорлиги:

6. Бош прокуратура тамонидан ҳақиқатни ёзган ёки гапирган фуқораларнинг ТАЪҚИБ ва ТАЗИҚга олиниши:

Юқорида санаб ўтганларим мамлакатни ИНҚИРОЗга бошловчи омиллардир. Буларнинг ҳаммаси учун Бош прокуратура мамлакат ПРЕЗИДЕНТИ олдида жавоб бериши муқаррар эканлигини билдиради! Президентга шахсан етказишнинг эса бир неча турлари мавжуддир...

Чамангул Негманова

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— Сен хафа бўлма, — дедим унинг кал бошини силаб, — яқинда ўша севган қизингнинг васлига етасан. Мен сенга ваъда бераман.

— Албатта! — бараварига қичқиришди аристонлар.

Толян айтган сўзида турди. Орадан икки кун ўтмай у тақдим этган хужжат ва пулларни қўлимга олиб, турманинг оғир дарвозасидан катта кўчага чиқдим. Шубҳасиз, мени кузатиб чиққан хомсемиз назоратчи ҳам улушини олган. Шу сабабли остона ҳатлаб ташқарига чиққанимданоқ у атрофни тез кузатиб олди-да, дарвозани ичкаридан ёпди.

Шу тобда хавф таъқиб этиши муқаррарлигини, бу ерда узоқ туриб қолиш умуман мумкин эмаслигини билсам-да, негадир нари кетишга шошилмадим. Озодликнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Тиззага етиб қолаёзган оппоқ қордан бир ҳовучини олиб юз-кўзларимга ишқаладим. Қандай тотли бу онлар! Бу ҳаяжонмиди, қувончмиди, идрок этмасдим! Нуқул йиғлагим, овозим борича дод солгим келарди. Лекин тез орада ўзимни тутиб, бир-икки бош силкиб олдим-да, йўл томон кетдим.

Турмадан унча кўп узоқлашмай туриб қора "Волга"га дуч келдим. Бу машина Толянга тегишли. У мени кутиб турибди. Кавказлик узун бўйли мўйловдор ҳайдовчи мени кўрди-ю, машинанинг орқа эшигини очди. Утирдим. Танишдик. Исми Давид экан.

— Сени, оғайни, ўша Настянинг уйига олиб бориб қўяман-у, кетаман, — деди Давид. — Толян шундай тайинлаган. Мана буни эса олвол. Асқотиб қолади.

У қўлимга тўппонча ва яна бир қора сумка тутқазди. Қуролни биринчи марта қўлимга олишим эди. У ёқ-бу ёғини айлантириб кўрган бўлдим. Очиғи, умрим бино бўлиб бунақа қуролни ушлаб кўрмаганман. ҳатто, қандай фойдаланишни ҳам билмайман.

— Устидагини ўзингга бир тортсанг, ўқланади, — уқтирди Давид ҳолатимни пайқагандек кулимсираб. — Кейин нишонга тўғрилаб тепкини босасан. Тамом-вассалом! Овоз пасайтиргич сумканинг ичида.

— Очиғини айтсам, — дедим тўппончани ён чўнтагимга жойлаб, — мен тиф билан тиллашишга одатланганман.

— Бу сенинг ишинг. Айтганча, Настяни қай йўл билан жазоламоқчисан?

— Бу менинг ишим, — жавоб қилдим қайсарлигим тутиб.

— Ҳа-я, кечир!.. Анави... Сумкада



Зулматдаги умр-27

барча керакли асбоб-ускуна бор. ҳарқалай, сенинг ишингда улар, албатта, асқотади.

Билардим, Давид ҳам мен билан олдиндан ғойибона таништирилган. Кимлигимни, нималарга қодирлигимни яхши билади. Шунинг учун ўзини камтар тутаяпти. Акс ҳолда бу каби ўғри, босқинчилар унча-мунчасига сўзини бериб қўядиганлар хилидан эмас...

Елдек учиб бораётган машина ойнасидан ташқаридаги милтилаган чироқларга, физ-физ ўтиб турган турнақатор машиналарга беписанд кўз ташлаб олиб, бошимни орқага ташладим. Бир зумда кўзимни уйқу босди.

Ниҳоят, манзилга етиб бордик. Настя шаҳар четроғидаги тор кўчада яшаркан. Мен аввал баланд деворлар билан ўралган ҳовли атрофини эринмасдан айланиб чиқдим. Кўча тарафдан девор ошиб тушиш қалтисроқ туюлди. Йўлга яқинлиги боис тез-тез машиналар у ёқдан-бу ёққа физиллаб ўтиб турибди. Машина чироғи шуъласи деворни ёритганда мени кимлардир пайқаб қолишлари мумкин. Шу сабабли ҳовлига томорқа орқали киришга қарор қилдим.

Мендек буйдор одам учун бу тахлит баланд деворлардан ошиб ўтиш қийинчилик туғдирмайди. Асосийси, ҳовлини итлар кўриқлашмаётган бўлса бас. Борди-ю, шундай бўлган тақдирда...

Шоша-пиша елкамдаги қора сумкани очиб, ичидагиларни фонарча ёруғида текшириб кўра бошладим.

— У, мана буни профессионалча иш деса бўлади!

Сумкага латтага ўралган бир неча дона колбаса ва гўш бўлаги солинган экан. Ахир, бекорга солинмаган, аввалдан эҳтиёт чоралари кўрилган. Демак, ҳеч нарсадан хавотирланмасам ҳам бўлади. Сумкани қайтадан елкамга олиб, фонарни чўнтакка урдим ва бир сакраб девордан ҳовлига ошиб тушдим.

Хайрият, жимжитлик экан. Оёқ учида юриб бориб ҳовлига кирдим. Икки қаватли оддийгина уй. Юқори қаватнинг ўнгдаги хонасида чироқўчирилмаган. Ҳа-а, бундан чиқди, уй эгаси ўша ерда! Фақат уни чўчитиб юбормасдан секин ҳаракат қилишим лозим, акс ҳолда иш бузилади.

Эҳтиёткорлик билан мрамар зиналардан юқорига кўтарилиб, керакли эшик олдида тўхтадим-да, уни секингина итариб кўрдим. Ичкаридан қулфланган экан. Ойна остидан ичкарига қулоқ тутдим. Сукунат.

ҳаммаси жойида эканига амин бўлгач, сумкадан қулф бузишда ишлатиладиган асбобни олиб қулфга солдим ва бир-икки пастга, юқорига кўтарган бўлдим. Ғулф бузилди. Чўнтагимдаги тўппончани қўлимга олиб, сумкадаги овоз пасайтиргачни учига маҳкамладим-у, остона ҳатлаб йўлакка ўтдим.

Ана шунда хоналарнинг биридан кимнингдир товуши эшитилди.

— Ким? Витя, сенмисан?..

Кўз очиб юмгунча рўпарамда тунги ялтироқ халатга ўранган, келишган, сочлари қорага бўялган, мовий кўз, ёши чамаси ўттиз бешлардаги аёл пайдо бўлди ва қўлидаги тўппонча тутган эркакни кўрди-ю, жонҳолатда ўзини орқага олди.

— Қўрқма, соҳибжамол! — шивирладим тобора унга яқинлашиш асносида. — Мен сенинг бахтингман, эшитяпсанми? Сени пули кўп, бақувват жазманга зор экан деб эшитиб, тўппа-тўғри уйингга келавердим. Сўроқсиз уйингга кирганим учун, албатта, узр сўрайман!..

— Кет!.. Кимсан? Кет!.. ҳозир милиция...

Эпчиллик билан Настяни кучоқлаб қафтим билан оғзини ёпдим.

— Ўзинг ҳам жа... кетворган экансан, — давом этдим. — Милицияни безовта қилишнинг нима зарурати бор? Кел, ундан кўра, кайф-сафо қиламиз.

— Сизга нима керак!.. — йиғлай бошлади аёл. — П-пул керак бўлса ана шафда турибди. Фақат менга тегманг!

— Шунақами? Пулинг шунчалик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кўпми?..

Уни икки елкасидан чангаллаб хонага судраб кирдим-да, диванга итқитиб юбордим.

— Кимсиз?! — титрашга ўтди аёл. — Ким юборди сизни бу ерга? Мақсадингиз нима?

Тўппончани чўнтакка уришга шошилмай аёлнинг тепасига яқин бордим.

— Толяндан сенга алангали салом! — дедим Настянинг узун кокилларини бармоқларим билан силаб. — Сени жуда соғинибди. Қадрдонларни бунчалик соғинтириб қўйиш инсофдан эмаслигини айтишимни тайинлаб юборди.

— Ким у Толян? Мен ҳеч қандай Толяни танимайман.

— Йўғ-э! Наҳотки шундай келишган, кўриниши жон олғувчи аёлнинг хотирасидан шикоятчи бўлса?

Аёлосонликчатилакирмаслигига кўзим етиб тўппончани унинг томоғига тирадим. Настяни баттар титроқ тутди.

— Хўш, эсладингми? Гапир, соҳибжамол! Тезроқ гапирмасанг, жаҳлим чиқиб, ёмон одамга айланадими қилишим мумкин.

— Унга нима керак экан мендан? — ниҳоят саволимга савол билан жавоб қайтарди Настя.

— ҳеч нарса. Фақат унинг дўконлардан оладиган икки йиллик улушини ҳозир бериб юборишинг зарур. Қанчалигини ўзинг яхши биласан.

— Ундан қарзим йўқ.

— Э, йўқ!.. — бош чайқадим тўппончани аёлнинг томоғига қаттиқроқ тираб. — Жуда қарзинг бор-да! Сенинг дастингдан Толянинг улуши камайиб кетган, чунки сен уни ментларга сотиб қўйгансан. Натижада унинг одамлари ҳибсда ётибди!

— Бақирмасдан тўппончангни ол! — деди Настя кўлимни нари суриб. — Барибир шу тобда унча пулни топиб бера олмайман.

— Топасан! — дағдаға қилдим аёлга. — Жон керак бўлса, албатта, топасан. Сенга бор-йўғи беш дақиқа муҳлат! Шу вақт ичида Толянга айтган пулни бермасанг, кейин ўзингдан ўпкала! Бу иш менга хамирдан қил суғургандай гап.

— Йўқ, й-йўқ!.. — Настя тўппонча тутган билагимга маҳкам ёпишиб, ёлвора бошлади. — Улдирма, яхши одам, ўлдирма!

— Қаердан олдинг бу гапни? — унинг кўлини маҳкам сиқдим. Аёл лабини маҳкам тишлади, кўзлари катта-катта очилиб, менга жавдиради. Кўрдимки, Настя ҳам бошқа ожизалар каби оғриқни, қийноқларни кўтара олмайди. Демак, ҳар қандай шартни сўзсиз

адо этади.

— Яхши одам эмиш... — дея қулоғига пичирладим унинг. — Сен Толянинг кимлигини билардинг-ку!.. Билиб туриб шу қандни еб юрибсанми?

— Мен қаердан билибман? — йўғи аралаш жавоб берди Настя. — Қамалди, тамом, энди қайтиб чиқмайди деб хаёл қилибман!..

— Мен Толянинг яқин дўстиман. Агар ҳозироқ у айтган пулни топиб бермасанг, ўлигингни ҳам излаб топа олишмайдиган қилиб кетаман, — аёлни пўписага ола бошладим. — Шундоғам суҳбатимиз чўзилиб кетди. Хўш, маъқулми?

— Мен... Мен ҳозир бунча пулни топиб бера олмайман. Нега ишонмайсан? ҳамма пулларим банкда туради. Кечаси банк ишламайди-ку!..

Зулматдаги умр-27

— Тез қўнғироқ қил! — буюрдим унга.

— Кимга?

— Буни ўзинг биласан. Лекин узоғи билан бир-бир ярим соат орасида пуллар кўлимда бўлиши керак. Фақат огоҳлантириб қўяй, пул олиб келганларни ичкарига киритмайсан. Дарвоза олдида хайрлашиб қўя қоласан. Катта партия мол келиб қолди, кўтара харид қилмасам бошқа бировга бериб юборишаркан, дейсан. Хуллас, сенга ўргатишнинг кераги йўқ, бу ёғи бир артистлигингни кўрсатиб юборасан, тузукми?

— Хўп, хўп!.. Алоқа кутиси бор. Ўшанинг ичида қолдириб кетишади.

— Қимирла! Эсингда бўлсин, дод солсанг, тамомсан! Менга фарқи йўқ, чунки...

— Тушундим, айтганингиздек қиламан...

Настя назоратим остида кимгадир қўнғироқ қилиб, талаб қилинган пулларни тезда олиб келишини тайинлади. Шундан сўнг дивандаги чойшаблар билан аёлнинг қўл-оёқларини иситкич қувурига маҳкам бойладим-да, бироз хотиржам тортидим.

Тўғриси, шу тобда жуда-жуда очикқан эдим. Аёл қўлбола кишандан халос бўла олмаслигига яна бир карра амин бўлгач, музлаткичдан бирор егулик топиш ниятида ошхонага ўтдим.

Музлаткичда бир шиша ароқ, колбаса бор экан. Ароқдан ичиб, газлагига колбаса кавшадим. Ароқ кайфиданми, ё бошқа сабабми, билмадим, беихтиёр ниятим бузилди. Кўз ўнгимда Настянинг ярим очик жуссаси, сийналари, қалин, бўёқ ярашиб тушган лаблари

гавдаланди. Жонҳолатда кўлимдаги колбасани стол устига ташлаб ўрнимдан турдим-у, залга чикдим.

Эҳ, айна паллада аъзойи баданим қизиб қоним жунбушга келаётган эди. Икки ҳатлаб залда ҳозир бўлдим.

Настя оғриқ зарбидан бўлса керак, қур-қур ихлаб қўярди. Сутдек оппоқ бадан соҳибасига суқ аралаш боқарканман унинг ихлаши ҳам ёқимли туюлиб кетди. Уни "кишан"дан халос этиш ниятида эгилдим. Шу тобда негадир оёқ-қўлларим бўшашиб, қайтадан гавдамни тикладим. Хаёлимда кимдир бизни кузатаётгандек ҳушёр тортиб, орқага тисландим.

— Нима қилмоқчиман ўзим?.. Бировни севиб, бошқаси билан айш қилмоқчиманми ҳали? Тўғри, ваҳшийлашиб бўлганман. Биров билан муштлашаётган онларда ҳатто сесканиб ҳам қўймайман. Аммо... Қалбим ўзимда-ку! Мана, вужудимда потирлаб турибди юрагим!.. Нега потирляпти? ҳаяжонланаяптими? Йўқ, у исён кўтараяпти. Еленанинг хотирасига содиқ эканини яна бир карра исботлаш илинжида потирляпти...

...ҳа, бундай йўл тутишга ҳақим йўқ! Икки дақиқалик оромни деб хаёлимдаги фариштамнинг юзига оёқ қўяманми? Эртага унга қай кўз билан боқаман? Нима дейман? Уни ҳам Настяни эркалаганим каби силай-сийпайманми?

Ниятимни сезиб ҳар лаҳзада мен томон бошини буриб жавдираётган Настяга ҳиссиз нигоҳ ташлаб, индамасдан ошхонага қайтдим-да, яна колбаса ковшашда давом этдим.

Кейин бошимни муздек ойнага босиб мақсадида ошхона деразасига қараб юрдим. Пардани суриб, бошимни ойнага яқинлаштирганман кўча бошига овозсиз келиб тўхтаган машинага кўзим тушди. Не кўз билан кўрайки, орандан ҳеч қанча вақт ўтмай ўн чоғли қора ниқоб кийиб, қўлларига автомат ушлаган ҳарбий кийимдаги кишилар ҳовлига кириб, тўрт тарафни ўраб олишди.

— Оббо қанжиф-эй! — кўз очиб-юмгунча Настянинг тепасида пайдо бўлиб томоғига тўппонча тирадим. — ҳали сотганмидинг? Мени, Бургутни-я?..

— С-сен нима деб ўйловдинг? — нафрат аралаш боқиб сўз қотди у. — Пулларини индамасдан кўлимга тутқазиб қўяди деб хаёл қилганмидинг? Энди ўзингдан кўр!

— Тез яширин йўлни айт! — гарчи титраётган бўлса-да, атайин тўппончани писканд қилмаётганини пайқаб, чўнтагимдаги узун сопли пичоқ чиқардим. — Тез бўл! Сўяман!

(Давоми келгуси сонда)

Қуллик касаллиги

Ўзбекистон президенти Ислам Каримовни «Пошшойим» деб атаб, уни улуғлаб қўшиқ куйлаган Юлдуз Усмоновани тушунса бўлади: Хонанда қандай қилиб бўлсада катта сахна ва катта экранларга йўл кидиряпти.

Лекин, «Оилам тўқ яшасин, одамларга ўхшаб ҳаёт кечирайлик» деб Россияга бориб «Гастарбайтер» деган ном остида, минг турли ишларга ўзини ураётган хамюртларимиз нега энди мадхиябозликка берилишяпти?

Касалликми бу? Юқумлими? «Мана шундай Ватанинг бор экан, шундай одил Юртбошинг бор экан, Россияда борми??» дегинг келади уларга қараб... Тингланг, кулнинг ўз хожасига қараб айтганларини:

БУЮК ЙЎЛДАСАН!!!!

Тинчлик бошимизда соябон бўлди,
Ок олтин бойлигинг хирмонга
тўлди.

Ўзбегим доврўғинг дунёни олди,
Буюк йўлдасан Юртбошинг
Билан!!!

Тарихий обида тикланди қайта,
Боболаринг номи бугун байтларда.
Рухлари дуода мудом кўкларда,
Халқим эркинлигинг Юртбошинг
Билан!!

Жаҳонда қадимий Самарқандинг
бор,
Шарқ оламининг дурдонаси бор.
Амир Темурдек Сарқардаси бор,
Жаннатмакон боғим Юртбошинг
Билан!!

Ўзга элларда фақат кулфатлар,
Сув тошқини ёки уруш офатлар.
Яратганга шукр бизда омадлар!!
Тангрим Назар солган Юртбошинг
Билан!!!

Самарқандинг дунё Сайёҳлар
Билан,
Дохийлари тилларда эътироф
Билан.

Халқим алқаган келажагинг бор,
Дуолар олган Юртбошинг Билан!!

Бугун жаҳонда Юртим олдинсан,
Ёшларинг илмли буюк Давлатсан.
Сен қон-қонимда оққан Ватансан,
Жаҳон тан олган Юртбошинг
Билан!!!!

2015 йил
Улуғбек Ашур

Бир замонлар мамлакатларнинг бирида 90 ёшдаги, аммо жуда кучли ва ёш кўринишли одам яшаган экан. Унинг атрофидаги одамларнинг барчаси унга эътибор билан қарар ва “бу ёшликнинг сири нима?”, дея сўроқга тутар экан. Қария эса ҳар сафар бу саволни беришганда жилмайиб кўяр экан.

Аммо сўроқлар тез-тез берилиб



Ҳаётингиз — танлаганингиз хотиндир!

ва қизиқувчилар кўпая бошлағач, жавоб бериш лозим бўлибди. Бу сиримни ҳаммага қандай қилиб осон йўл билан тушунтирсам экан деб ўйлабди. Сўнгра барча қизиқганларни ўз уйига зиёфатга чақиришга қарор қилибди. Ушбу зиёфатда сизга сиримни очаман, дебди.

Ҳамма қизиқиш билан унинг уйига ташриф буюрибди. Овқатларни ейишибди, ичимликлар ичишибди, суҳбатлар қилиб, вақтни яхши ўтқазибди. Аммо ёшлик сири билан боғлиқ ҳеч қандай сўз айтилмабди.

Ҳамма бу ҳақда суҳбат қачон бошланар экан дея қизиқиш билан кутар экан, у одам хур каби севимли аёлига дебди:

-Хотин, шу ертўладан бизга бр тарвуз олиб келасанми, илтимос!

Аёл дарров ертўлага тушиб бир зумда тарвузни олиб келибди.

Эри тарвузни олиб тақ-тақ уриб кўрибди ва:

-Буниси бўлмас экан хоним, мазалига ўхшамайди, бошқасини олиб келасанми, илтимос, -дебди.

Хотин унисини олиб кетиб бир дона бошқа тарвуз олиб келибди. Эри унисини ҳам олиб кўздан кечирибди, аммо буниси ҳам ёқмабди.

-Хоним сени яна заҳматга қўйдим, аммо буниси ҳам бўлмайди. Яни бир бошқасини олиб келасанми, — дебди. Бошқасини хоҳлабди. Шудай қилиб бу ҳолат тўрт марта такрорланибди.

Охири бешинчи марта олиб келинган тарвуз отахонга ёқибди ва уни кесиб, меҳмонларга тортиқ қилишибди. Ҳамма тарвузни иштаҳа билан ер экан, қария уларга савол берибди.

-Эээээ? Дўстлар, мана менинг ёшлигимнинг сири ана шунда тушундингизми?

Меҳмонларнинг ҳаммаси бир-бирига ҳайронлик билан назар ташлашибди. Ҳеч ким бирор нарса

тушунмабди.

-Отахон бу ҳақда ҳеч бир гап айтмадингиз? Биз бу сирни тушунмадик, — дебди меҳмонлардан бири.

Қария кулиб:

-Жаноблар. Сиз кўрган тарвуз ертўлада ўзи бир дона эди, бошқа йўқ эди. Мен хотинимга бор бошқасини олиб кел деганимда, у ертўлага бориб келар, аммо айна тарвузни қайта олиб келаятган эди. Лекин бир маротаба ҳам, “ҳой, одам, ақдан озганмисан, шу бир тарвузни нега ташиттираяпсан менга қайта-қайта” демади. Мени сизнинг олдингизда ноқулай аҳволга тушурмади. Шундай экан бундай ёш кўринишим учун хотинимга қарздорман, -дебди.

— Биз бирбиримизни бошқаларнинг олдида ҳеч оғир аҳволга туширмаймиз. Оила ичидаги ҳеч нарсани ташқарига чиқармаймиз. Доимо бирбиримизга қувват бўлиб, дардкаш бўлиб, ёрдам берамиз. Орамиздаги муаммоларни бирбиримизга айтиб суҳбатлашамиз. Яхши ёки ёмон ҳар қандай нарсани бирликда баҳам кўрамиз, — дебди.

Ҳаётингиз — танлаганингиз хотиндир!

Завқли бир хотинга тўғри келсангиз завқингиз,

Илмли бир хотинга тўғри келсангиз илмингиз,

Ақлли бир хотинга тўғри келсангиз ақлингиз янада юксалади.

Ҳаёт поғоналардан иборатдир. Бобилнинг осма боғлари каби айвон кўринишида юксалади ва бир айвондан бир айвонга сизни хотинлар олиб чиқади.

Ва бугун сиз турган айвон, сайр этганингиз манзара, кўрганингиз ҳаёт ёнингиздаги хотиннинг айвони, манзараси ва ҳаётидир. Ҳаётингиз — танлаганингиз хотиндир!

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига уйғунлаштирилди

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ТИЗИМИГА ЎТИШ АХОЛИНИ НЕГА БУНЧАЛАР САРОСИМАГА СОЛМОҚДА?

Ўзбекистон ҳукуматининг банк тизимларида маошларни ёппасига пластик карточкаларга ўтказиш уринишлари бошланиб кетганига анча бўлган, эндиги навбат пенсия ёшидагиларнинг ва ногиронларнинг нафақасини пластикка ўтказишга етган.

Айни дамда мамлакатдаги мавжуд барча банк маъмуриятлари "Бизда аҳоли 100 фоиз пластикка ўтди" дея ҳукумат бошқаруви олдида "отчёт" бериш, кўкрак кериш йўлида куйиб-пишишмоқда.

Ривожланган ҳорижий мамлакатлар мисолида айтадиган бўлсак, пластик масаласида Ўзбекистонни ҳорижий давлатларга мутлақо қиёслаб бўлмайди. Чет эл давлатларида жорий этилган пластик карточка тизими тўла ўзини оқламоқда ва самарали иш бермоқда.

Нега?

Негаки, ҳорижий мамлакатларда пластик карточкалар билан муомала қилиш тизими тўлиқ ишлаб чиқилганки, ойлик маоши пластикка ўтказилган шахсни Ўзбекистон фуқароси каби "Бу маблағимни энди қаерда қанча фоиз эвазига нақд қилиб олармикиман?" деган ҳадик саросимага солмайди, ва ё "Эсиз, энди пластикка уну ёғни 20 фоиз қимматига сотиб оларқанман-да" деган ваҳимали хаёл кўнглини ўйиб ўтмайди.

Чунки ҳорижий мамлакатлардаги ҳар бир савдо тизимида нақд пул билан бир қаторда пластик карточкалар орқали савдо-сотик қилиш имкониятлари жорий этилганки, пластик орқали муомила қилиш ҳеч бир кимсага муаммо туғдирмайди.

Дейлик, ҳорижда бир килограмм шакарни нақд пулга 5 минг сўмга сотиб олсангиз, пластик орқали ҳам айнан ўша суммага харид қилишингиз мумкин. Бу икки хил савдо услубдаги харид ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ, кўзга ташланмайди.

Айтингчи, Ўзбекистонда ҳам шундайми? Асло!

Пластик карточкалар билан олди-сотти қилиш тизими бирига пойтахт Тошкентнинг марказидагина "ҳалам-палам" қилиб бўлса-да йўлга қўйилган холос. Бироқ пойтахтдан олти чақирим узоқлашингиз билан пластик карточкалар орқали муомила қилиш борасида енгиб бўлмас муаммоларга дуч келасиз. Вилоятлардаги бу борадаги ҳўжасизликларни эса асти сўрамай қўя қозинг!

Даярли барча савдо шахобчаларидаги "Пластикка савдо

йўқ" деган жавоб аҳоли таъбини тирриқ қилади.

Елғон бўлмасин, биргина поезд ва ё авиабилетларини пластик орқали харид қилишда муаммо бўлмаслиги мумкин. Бироқ шусиз ҳам ишсиз, пулсиз аҳоли ҳар куни осмонга учмайди, поездда юрмайди-ку! Халқнинг ҳар куни авиабилет сотиб олишга эҳтиёжи бўлмайди-ку!

Аҳолига нима керак?: Кундалик эҳтиёж моллари: ун, сариеғ, шакар, гугурт....

Минг афсуски, пластик карточка билан муомала масаласидаги муаммолар харидорларни хор қилмоқда.

Тошкент вилояти ва Республиканинг қолган барча ҳудудларида пластик карточка билан савдо қилиш тизими кенг жорий этилмаганлиги сабабли "Пластикка савдо йўқ" деган кўнглини хира қилувчи жавоб аҳолини сарсону саргардон этганлиги боис ҳам аросатда қолган халқ ҳар қандай шартга рози бўлмоқда.

Натижада, аҳолининг бунингдек имконсизлигидан фойда орттириб қолиш илинжида бўлган дўкон сотувчилари, ҳатто пластик билан савдо-сотик қилишга имконияти бор савдо шахобчалари ҳам харидорга кўзини лўқ қилиб "Пластикка 20 фоиз қимматига сотилади. Нақд пул қилиб олиш бизга ҳам муаммо яратади" дея оёғини бир этикка тиқиб туриб олмоқда.

Натижада, ойлик маоши ва ё нафақа пули пластикка туширилган фуқаро дўконлардан шакар, ун, ёғ, совун каби кундалик эҳтиёж молларини "қулогини қимирлатмасдан" 20 фоиз қимматига харид қилишга мажбур. Акс ҳолда пластик карточкалар билан муомала қилинмас экан, ундаги маблағларнинг қандай қиймати қолади?

Оддий, кераксиз қоғоздан қандай фарқи бўлади? Нима, аҳоли "Қачон пластикдаги пулимга устамасиз авиабилет олармикиман?" дея илҳақликда ил ўтказсинми, болалари оч қолсинми, тишининг кирини сўрсинми, ё уст боши титилиб, яланғоч юрсинми? Йўқ, албатта.

Шу боис ҳам одамлар пластикка савдо қилиш тизими жорий этилган савдо шахобчаларидан 20 фоиз қимтига бўлса-да пластик карточкасидаги маблағига эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни, кийим-кечакларни харид қилишга мажбур бўлмоқда.

Бундан ўзга йўли йўқми?

Нега энди йўқ бўларкан?! Ўзга

йўли ҳам бор албатта!

Кези келганида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон аҳолиси пластикка харид қилиш масаласида, айниқса, бозорларда ўтиб бўлмас ғовларга рўпару бўлмоқда.

Негаки:

Аҳолининг тўкин турмуш кечиришлари учун яна нималар муҳим?:

Маълумки, совуну шакар харид қилган билан, уну ёғ кўмагида қозонни қайнатган билан кишининг куни ўтиб қолмайди. Одам боласи ҳўл мевалар – узум, помидор, бодиринг, олма, анор, нок емайди, сабзавот маҳсулотлари: сабзи, картошка, карам, пиёз деганлари керак бўлмайди?

Тўғри, юқорида санаб ўтилган маҳсулотларни бозорлардан эмас, гарчи 20 фоизлик устамаси билан бўлса-да "СУПЕР МАРКЕТ"лардан харид қилса ҳам бўлади. Бироқ, "МИНИ МАРКЕТ"лардаги маҳсулотларнинг туриб қолиши ортидан сифатига путуретиб, униқиб қолиш ҳолатлари кўзатилади. Қолаверса, юқорида айтиб ўтилган "...Маркет"ларда турғун бир нарх ҳўкмон, у ҳам бўлса – нарх-наволар ҳамиша осмонда бўлади. Ўзбекнинг бозорида савдо қилиш эса кишига ўзгача завқ бағишлайди: биринчидан, танлаш, барча маҳсулотларнинг "свежий"сини саралаб олиш имконияти каттароқ ва кўпроқ бўлади. Энг муҳими, ўзбек бозорларида савдолашиб, талашиб-тортишиб – 100 минг сўмлик маҳсулотни 70 минг сўмга олиш ҳам мумкин бўлади. Ҳар томонлама таққослаб кўрган тақдиримизда ҳам бозорларимиз билан "СУПЕР МАРКЕТЛАР" орасидаги тафовут яққол кўзга ташланади-қўяди.

Шу маънода, аҳолининг бозорлардан харид қилишга эҳтиёжи катта.

Аммо, айтингчи, Ўзбекистоннинг бирор бир бозорида пластик карточка билан савдо-сотик қилиш имконияти йўлга қўйилган дея гувоҳлик бера оласизми? Йўқ. Аҳвол шу зайилда кетадиган бўлса, бу яқин юз йилликда бўлмаса ҳам керак!

Аҳолимизнинг қўлида эса фақатгина транспорт харажатлари учун –йўлқирогагина нақд пул бор холос, қолган сўмлари банклар томонидан автоматик тарзда пластикка "туширилган"-ку!

Хўш, модомики, мамлакат бўйлаб бозорларда пластик карточкаларга савдо-сотик қилиш тизими жорий

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

этилмаган экан, унда аҳоли нима қилиши керак?

Аммо, лекин, бироқ, шуни ёдда тутингки, Ўзбекистонда ҳамisha "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деган "ақида" асосида иш тутилади.

Юқоридаги "ақида"га амал қилаётган банк ходимлари-ю савдо тизимлари томонидан "Пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштириб бериш"нинг ёзилмаган ҚОНУНИ жорий этилганки, бу услубдан биргина аҳоли беът, беътин ёниб-куйиб қолмоқда.

Одамлар бозорлардан харид қилишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ҳам пластикдаги маблағларини 15-20 фоизлик устама эвазига бўлса-да нақдлаштириб олишга маҳкум этилмоқда.

"Пластикдаги маблағни нақдлаштириб бериш"дек оғзаки "шартнома" ҳатто пойтахт Тошкент ҳуҳудда ҳам тез-тез кузатилади.

Оқибатда, шусиз ҳам арзимасгина ойлик маошига яшаётган одамларнинг иш ҳақини ҳам бўйидан, ҳам энидан уриб қолинмоқда, халқ ҳар томонлама зиён кўрмоқда.

Айнан мана шу каби муаммолар боис пластик карточка ўтиш тизими аҳолини саросимага солиб қўймоқда.

Оламу одамга айён бўлган пластик тизимидаги бунингдек муаммолардан Ўзбекистон расмийлари беҳабар қолган деб ўйласангиз, адашасиз.

Ўзбекистон амалдорлари банк тизимидаги бунингдек бошболдоқликлардан яхшигина хабардоргина эмас, бундан манфаатдордирлар ҳам.

Ҳа, шундай.

Ўзбекистон иқтисодий таназзулга йўл тутганлиги, нақд пул камёблиги сабаб ҳам аҳолининг, барча ташкилот ходимларининг ойлик маошларини, икки ёшгача бўлган болаларнинг, ногирон ва пенсионерларнинг нафақа пулларини гоҳида тўлалигича 100% ини, айрим ҳоллард 50-70% ини шахснинг сохта аризаларига асосланган ҳолда пластик карточкаларга ўтказиб юборилишига ҳукуматнинг ўзи фатво берган ва бунингдек бошболдоқликларнинг бошида ҳукумат раҳбарларининг ўзи турибди.

Аҳолини нақд пул билан таъминлай олмаслигини англаган амалдорлар пластик панасига яшириниб қолишга, пластик карточкалардан нажот топишга умид қилишмоқда.

Гарчи сохта ва мажбурий тарзда бўлса-да одамларни

оммавий тарзда пластикка ипсиз боғлаб қўйилишидан ҳукумат расмийларининг ўзи манфаатдор эканлиги айни кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ҳукумат амалдорларининг қўли борлиги боис ҳам ойлик маошларининг пластик карточка тизимида ўтиши аҳолини саросимага солиб қўймоқда.

Пластик соҳасидаги муаммолар қўқонлик 80 ёшли Назбиби аянинг ҳам бўғзига чанг солди.

1935 йилда туғилган Назбиби ая Адилова Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида истиқомат қилади. Онахоннинг қизлари Валентинанинг айтишича, "Бор-йўғи 420 минг сўмгина қариллик нафақасини олади".

Айтишларича, гарчи ариза ёзмаган ва имзо қўймаган бўлса-да, Назбиби ая нафақасининг 50 фоизи ҳеч бир рухсатсиз пластик карточкага ўтказиб юборилган. Бу ҳақда аянинг ўзи яқингинада воқиф бўлган.

— Онам октябрь ойи учун 210 минг сўм пенсия пули олдилар. "Нега менга бу ойда 420 минг сўм эмас, 210 минг сўм нафақа пули берилди?" деб суриштиргач, ана шундагина нафақасининг 50% пластикка ўтказиб юборилганлигидан хабар топдилар. Кейин суриштириб билсак, "РайСабез" ходимлари нафақахўрларнинг номидан банк бошқаруви номига сохта розилик аризасини ёзиб, имзолаб, кексалар пенсиясининг 50%ини пластик карточкаларга ўтказиб юборишаётган экан.. Фуқаронинг ўзи "Нафақамнинг 50%ини пластикка ўтказишингизни сўрайман" деб ариза ёзмаган ва бунингдек мазмундаги аризага имзо қўймаган бўлса-да, пенсиясининг 50 фоизини шахснинг розилигисиз пластикка ўтказиб юборишлари ҳам мумкинми? — дея хабар беради Қўқондан кўнғироқ қилган 80 ёшли Назбиби аянинг қизлари Валентина (моб. тел: +99893 977 40 16).

Нафақа пулининг 50% ўзининг розилигисиз пластик карточкага ўтказиб юборилган 80 ёшли Назбиби аяга ҳақиқий қийинчилик ана шундай ҳақсизликдан кейин бошлади.

Энди 80 ёшли онахон нафақа пулининг 50% ини пластикка ўтказиб илинжида ҳар ой Қўқондан Данғара туман банкига бир неча километр масофа босиб бир эмас, бир неча бор боришга мажбур бўлмоқда.

Янада аянчлиси шундаки, нафақасининг 50%ини пластикка тушириш истагида келганлар сони кўплиги сабаб, Данғара банк эшиги тагида тумонат одам. Кексалар гоҳо кун бўйи навбат кутиб туришга мажбур бўлишмоқда.

— Навбатнинг азборойи кўплигидан кун бўйи тик оёқда навбат кутиб турган аксарият кексалар ҳолсизлиниб, хатто беҳуш бўлиб йиқилиб қолишмоқда, — дейди Валентина.

Бунингдек талотупда II – гуруҳ ногирони бўлган 80 ёшли Назбиби Адилова пенсия пулининг 50%ини пластикка ўтказиш умидада Қўқондан бир неча километр масофа босиб Данғара туманига қандай боради, Данғара банкидаги турнақатор навбатни кекса ҳолига кун бўйи қандай кутади?

Адилова каби кекса, ногирон аҳолининг бунингдек муаммолари на Ўзбекистон банк тизими ходимларини ва на мамлакат расмийларини заррача қизиқтирмайди. Негаки, пул тақчиллиги сабаб пластик деган ўйинни айнан уларнинг ўзлари ўйлаб топишган, одамлар олдидаги пластик муаммоларни ҳам ўз қўллари билан бунёд қилишганки, бунингдек боқибегамликни бартафат этиш оддий аҳоли учун ўлимдан-да қийин.

Қўқондагидек аянчли аҳвол Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кузатилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Янгийўл туман марказий шифохонаси пенсионерларининг нафақа пулларини мажбурий тарзда пластик карточкаларга ўтказиб юборишаётганлиги хусусида ҳам ташивили хабарлар бор.

Модомики, Ўзбекистонда пластик карточкага ўтишнинг тўлиқ тизими ишлаб чиқилмаган ва амалиётга тадбиқ этилмаган экан, ҳукуматнинг пластикка ўтказиб борасида "фатво" бериши ҳеч бир ақлга сифмайдиган иш. Негаки, пластикка оид тўлиқ тизим ишлаб чиқилмасдан, бу борада аҳолига етарлича қулайликлар яратилмасдан туриб ойлик маошлари ва нафақа пулларини мажбурий тарзда пластикка ўтказилиши Ўзбекистонда порахўрлик ва таъмагирликнинг янги кўринишларини келтириб чиқармоқда, холос.

Ўзбекистоннинг ҳеч бир тайёргарликсиз пластикка ўтишга уриниши, беҳуда чираниши, бир сўз билан айтганда, "Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига" дейилади.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

мустақил журналист, мустақил ҳуқуқ фаоли

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов